ЎзО 2
890
А-60-Ё

ИСЛОМЖОН ЁҚУБОВ

# МУҲАММАД АЛИ ИЖОДИДА ТАРИХИЙ ЖАРАЁН КОНЦЕПЦИЯСИ ВА ЛИРО-РОМАНТИК ТАЛҚИН

"ФАН"

Ўзб2
890
А-50-Ё

ИСЛОМЖОН ЁҚУБОВ

# МУҲАММАД АЛИ ИЖОДИДА ТАРИХИЙ ЖАРАЁН КОНЦЕПЦИЯСИ ВА ЛИРО – РОМАНТИК ТАЛҚИН

130559
ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
O'zbek adabiyoti
TosDO'TAU
KUTUBXONASI
AXBOROT-RESURS MARKAZI

Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
«Фан» нашриёти
2007

Ушбу монографияда Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти лауреати Муҳаммад Али қаламига мансуб "*Улуғ салтанат*" тарихий тетралогиси *"Жаҳонгир Мирзо"*, *"Умаршайх Мирзо"* номли биринчи ва иккинчи китобларининг замонавий романчилигимиздаги ўрни белгиланган. Унда асар моҳиятини англаш, унинг яратилиш сабаблари, асос бўлган манбалари, поэтик жилваларини аниқлашда лиро-романтик услубнинг адиб ижодий такомилидаги ўрни адабиётимиз тарихи билан уйғун боғлиқликда ўрганилган. Романнинг предметли мазмуни истиқлол даврининг маданий тафаккури тажрибалари билан уйғунликда таҳлил ва тадқиқ этилган.

Монография адабиётшунослар, Олий ва ўрта махсус таълим тизими талабалари, аспирант ва тадқиқотчилар, шунингдек, бугунги адабий жараён муаммоларини ўрганишга ихлосманд китобхонларга мўлжалланган.

Маъсул муҳаррир: педагогика фанлари доктори, профессор Қозоқбой Йўлдошев

Тақризчилар: тарих фанлари доктори Наим Обломурадов, филология фанлари номзоди, доцент Адҳамбек Алимбеков

© Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриёти, 2007

ISBN 978-994-3-09-385-0

*Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллиги ва Амир Темур таваллудининг 671 йиллигига бағишланади*

**Ўз даврининг енгилмас қаҳрамони, миллатнинг ҳақиқий етакчиси, фавқулодда буюк шахс, буюк инсон бўлган Амир Темурнинг бетакрор ҳаёти ва фаолияти, жасорати ва ибрати бугунги кунда бизнинг ёруғ келажагимизга ишонч бағишлайди, олдимизга қўйган мақсадларга эришиш учун чексиз куч-қувват, қатъият ва шижоат бахш этади.**

*Ислом Каримов*

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти лауреати Бердақ иомидаги Қорақалпоғистон Республикаси Давлат мукофоти совриндори Муҳаммад Али (Аҳмедов Муҳаммадали) ўндан ортиқ шеърий китоблар, *"Машраб"*, *"Гумбаздаги нур"* достонлари, қатор эсселар, адабий суҳбатлар, бадиий таржималар, илмий тадқиқотлар, шунингдек *"Боқий дунё"*, *"Сарбадорлар"*, *"Улуғ салтанат"* романларининг муаллифидир. У бадиий ва илмий ижод билан педагоглигу ижтимоий фаолиятини моҳирона тарзда қўшиб олиб бораётган инсон сифатида илмий-адабий жамоатчилик эътиборида турган серқирра ижодкордир.

Муҳаммад Алининг асарлари республикамиздагина эмас, жаҳоннинг йигирма бешдан ортиқ тилларида севиб ўқилмоқда. Илмий-педагогик фаолияти ҳам баҳри уммонлар оша довруғ таратгандир. Ушбу монографияда биз ёзувчининг мустақиллигимиз учун кураш ildизлари ва манбаларини теранроқ тушунтириш ҳамда англатишга кенг йўл очувчи тарихий романлари, хусусан "*Улуғ салтанат*"нинг замонавий

романчилигимиздаги ўрнини белгилашга имкон қадар ҳаракат қилдик.

Ёзувчининг *«Улуғ салтанат»* романи тадқиқида биз учун тарихий манбаларни интуитив тарзда тушунишнинг ўзи етарли бўлмади. Шу боисдан, имкон қадар мантиқий-методологик, аксиологик, культурологик восита ва методлардан ҳам фойдаланишга уриндик. Чунки герменевтик доира тамойилига кўра ёзувчининг бадиий ҳақиқати тарихий ҳақиқатнинг айнан ўзи бўлмай, адиб англаган, унинг билим ва тасаввурлари билан янада бойитилган, тўлдирилган шаклидир. Муҳаммад Али тарихий-адабий манбааларга муайян қўшимча ва ўзгартиришлар киритмаслиги мумкин эмас. Зеро у ҳам ўз даврининг фарзандидир. Тарихий-адабий манбаларнинг муаллиф танқидий нигоҳидан ўтган, ижобий жиҳатлари бугунги воқеликнинг мазмуни билан янада бойитилгандир. Бадиий-эстетик идрок этилган тарихий воқеа-ҳодисалар мазмуни пировардида борлиқни теран англаб етишимизга кўмаклашиши жиҳатидан муҳим аҳамият касб этади. Демак, романнинг предметли мазмуни мустақиллик даврининг маданий тафаккури тажрибалари билан боғлиқлигини назардан соқит қилиш мумкин эмас.

Дарҳақиқат, мазкур романни тушуниш муаллиф ҳақиқатини *«ҳазм қилиш»*, миллий ўзликни англаш, ҳар қандай матн сингари мазкур асарда ҳам муаллиф юклаган ҳамда турлича талқин қилиниши мумкин бўлган турфа маънолар мужассамлигини эътироф этиш орқалигина мумкин бўлади.

Шубҳасиз, ҳар қандай тадқиқотчи сингари бизнинг олдимизда ҳам *«Улуғ салтанат»*ни шунчаки тушунишгина эмас, балки тушунтириш вазифаси ҳам турарди. Бу эса лиро-романтик услубда битилган мазкур роман моҳиятини англаш, унинг яратилиш сабаблари, асос бўлган манбаалари, поэтик жилваларини аниқлашни тақозо этади. *«Улуғ салтанат»* тавсифи орқали маълум маънода лиро-романтик услуб ва ёзувчи ижодий такомилининг эртасини башорат қилиш, адабий жараён амалиётига хос тажрибаларни умумлаштириш, муайян концепцияни ривожлантиришга тўғри келди.

Албатта, лиро-романтик услубни биз нафақат адиб ижодий такомилидаги ўрни, балки адабиётимиз тарихи билан сабабий

боғлиқликда олиб қарадик. Соҳибқироннинг тарихий хизматларини ўз даври воқелигига нисбатан ғоятда оқилона ҳамда миллий тараққиётга кучли туртки берганлиги жиҳатидан кузатдик. Тарихий шахсга бўлган муносабатда ҳамиша ҳам рационал схемалар асосида ёндошиш мумкин эмас деб ҳисобладик. Шунинг учун ҳам масалалар моҳиятини телеологик ёки интенсионал тарзда тушунтиришга уриндик.

Чунки Муҳаммад Али учун романда Амир Темур кўзлаган буюк мақсад ва ниятлар УЛУҒ САЛТАНАТ бунёд этилиши ҳамда пойдор бўлишини кўрсатиш ғоятда муҳим саналган. Адиб Амир Темур ва темурийзодалар шахсияти, даврини теран ҳис этади. Айтиш мумкинки, тарихий ўтмиш ҳодисалари ёзувчининг мақсади билан уйғунлашиб кетади. Бу эса Соҳибқирон ва уни қуршаган кишилар хулқ-атвори, фикр-туйғулари, ҳаракатлари мотивини тўғри тушуниш ва талқин қилиш имконини беради.

Бизнинг талқинларимиз ҳам индивидуал тарзда тушунишдан келиб чиққани боис, субъектив характерга эга бўлиб, улар муаллиф ҳақиқатини англаш ва *«Улуғ салтанат»* романи матнини уқишга бўлган ҳавас мақомида қабул қилинишидан умидвормиз. Агар адабий ҳодисанинг муайян қонуниятлари ва кўп асрлик адабиётимиз билан сабабий боғлиқ жиҳатларини озми-кўпми кўрсата ола олсак, муддаога етибмиз, дейишга ҳақли бўламиз.

*Муаллифдан*

## *“ ТАРИХ ТИЛГА КИРАДИ БИР КУН ! ”*

Муҳаммад Алининг *«Гумбаздаги нур»* достони *1967 йилда битилган.* Орадан қарийиб қирқ йил ўтгач, адибнинг *«Амир Темур чамани»* («Ўзбекистон» НМИУ, 2006) китоби яратилди. Мазкур китобга кирган *«Туркистон Султони»* номли шеър «Озод Ватан» ораториясидан деб номланади. Ороторияда озодлик туғини баланд тутган Амир Темур салтанатига бўлган тизгинсиз меҳр-муҳаббат ўз ифодасини топган. Қалбида олам-олам юрт ишқи мавжланган Соҳибқирон *«Ўғлонлар ичида ўғлон»,* - деб алқаланар экан, у ҳақдаги достонлар абадиятга қадар битилажаги, Амир Темур бўстони мангу гуллаб-яшнаши комил ишонч билан ифода этилади. Шу маънода мазкур китобни ҳам муаллифнинг ўша чамандан умр бўйи йиққан гўзал гулдастаси санаш, унинг бу мавзуга муҳаббати йиллар давомида кучайиб, маънавий-руҳий дунёсининг ажралмас бир қисмига айланиб борганлигининг тасдиғи дейиш мумкин.

*«Гумбаздаги нур»* (1967) достонида *«Гўри Амир»* мақбараси қошида киприкларини пирпиратиб нилий гумбазнинг камалак ранг нақшларига термулаётган миттигина болакайнинг чинакам тарих билан юзлашган ҳолатда туйган ҳайратлари ўз ифодасини топади. Дунёнинг тақдири ҳақида узоқ ўйларга толган болакайнинг ҳолатидан илҳом олган шоир фикри Самарқандда кўхна тарихга хос шукуҳ, буюк пойтахтларга муносиб салобат тантанасини кўрар экан, «мўйсафид» мадраса, кўкўпар минор, бозор ва Тим оралаб боради. Соҳибқирон шахти баланд бўлган даврлар, олис мозий – Амир Темур чақмоқ қадами шаҳарни зафарлар оғушига чулғаган, жаҳонни титратган шукуҳли йилларни эсласа-да, даҳманинг бунёд этилиш сирларини унинг инсоний интилишлари, ушалмаган орзулари билан боғлайди.

Амир Темур ўлимнинг ҳақлиги, инсон қисматида албатта фоний бўлмоқлик мавжудлигини жуда яхши билади. Аммо валиаҳд қилмоқни ният қилган суюкли набираси Муҳаммад

Султоннинг бевақт хазон бўлиши орзуларини рўёга айлантирганлиги боис, сор лочин парвозларининг қирқилганлигини тан олгиси келмайди. Тирик бир инсон сифатида жудоликка чора тополмай, хуноб-хуноб ёшлар тўкади. Дил дардларини аламли ингроқ нолалари ва йиғи билан бўшатади. Қаватида меҳрибон инсонлар тафтини туйиб, бевафо дунё кўргуликларига чидайди. Набира хотирасига атаб шоҳона даҳма бунёд қилдиради.

Салтанатнинг барча буржларидан йиғилган муҳандису сангтарош меъморлар кўрганнинг кўзини эркалагувчи камалакранг кошинлар билан гўзал кунгураларни зийнатлайдилар. Гумбаз қобирғалари *«кўк такрори»*дай қуёш нурларини жилвалантиради:

*Қодир қисмат йўлидай бари,*
*Бир нуқтага бориб бирлашур.*

Даҳма қурилиши учун енг шимарган бутун эл – қисмат етовидаги ожиз бандалар. Улар кулбахонаси, меҳрибон отаонаси, ардоқли фарзанди, севимли ёридан йироқда хоҳ соғинч, хоҳ қувонч, хоҳ қайғу бўлмасин шахсий интилишларини жиловлаб, олий фармон ижросига бош эгишган. Кескир қарашлари қиличнинг дамини-да қайтаргувчи қанча-қанча йигитлар сабот билан меҳнат қилишган. Ўша масканда бугун на жангу-жадал, на-да дунё ғавғолари бор. Унда Улуғбек Мирзонинг бобокалони жимгина ором олмоқда. У на шон-шараф, на мол-дунё илинжида от сурган эди. Алалоқибат, тарихнинг ғаройиб ҳикматини қарангки, Сохибқиронга тақдир илтифот кўрсатди. Бир қўли билан сийласа-да, иккинчи қўли билан қийнади ҳам. Илло ҳар нарсанинг ҳам икки томони бор. Шоир:

*Кўз ўнгимда шаҳар югурар,*
*Оқиб борар нигоҳларимда.....*

деб ёзади. Жангу жадаллар учун туғилган бу инсоннинг меъморликка меҳри тушгани бежиз эмас. Салтанатнинг гузар ва майдонларида нафосатни кўрмоқ тилаги, гўзалликка шайдолик

Соҳибкироннинг кўнгли гулдан-да нозиклигини кўрсатади. Бу таажжубни туймоқ учун Амир Темур Кўрагон айтганларидай: «*қурдирган биноларга боқ*» моқлик орқали ўша чамандан гуллар дасталаш савобига дохил бўлмоқлик истаги Муҳаммад Алига қалам тутқазган.

Шоир ошкорлар бағрида пинҳон исмсиз меъморлар қисматидан сўйлайди. Бу қисмат тарих хабарлари орқали эмас, гумбазларга муҳрланган нафосат орқали уларнинг қалб ҳароратини ҳис қилиш йўли билан ойдинлашади. Ўша нилий нақшларнинг ҳар бир чизиғида худди кўзгудаги янглиғ ўтмиш кезади. Ақлга бўй бермас ҳали ўқилмаган бу китоб саҳифаларини варақлаган шоир, мақбарада ўн икки меъмор қалби жо этган ғурур, нафосат, виқор, маҳорат самарасини кўради, уларнинг ижодкорларини илиқ сўзлар билан эслайди. Унинг назарида кўк гумбаз *аза тутган аёл сингари* мунгли. Чунки унда ўн иккита тирик жоннинг шодлигию ғами жо бўлган:

*Ўн икки жон, ўн икки меъмор,*
*Ўн икки ғам, ўн икки севинч.*

Асрларнинг совуқ нафаси эсаётган сукунатнинг бу сўнгги маррасига термуларкан, шоир баданни жунжиктиргувчи совуқ мақбара кошинлари, гирихларидан ҳазин-ҳазин садоларни тинглайди. Ҳиммати осмон қадар юксак бу меъморлар камтарона ҳаётлари мазмуни бунёдкорликда, яратиб-яшнатишда эканлигидан сўйлаётгандай бўлишади гўё. Беихтиёр сукунат портлайди. Хаёлий суҳбатда кетмонларнинг гурс-гурс садолари баралла эшитилади. Ўн икки меъмор гўё ўн икки минг жон – бутун бир бунёдкор эл бўлиб кўринади. Ахир катта Фарғона канали қурилишида ҳам қанча-қанча исмсиз эрлар офтоб тиғида қўлдан кетмонини қўймай бунёдкорликнинг мислсиз намунасини намоён этишмадими? Ўша мард йигитлардан бири Бешгул (Бешкал) қишлоғидан чиққан Аҳмадқул Бекназар ўғли – шоирнинг отаси ҳам иштиёқи зўр, ўзбекнинг шўх, чапдаст ўғлонларидан бири бўлган. Сувга ташна минглаб юртдошларининг асрий орзу-армонлари ушалмоғи йўлида оға-ини ёр бўлиб, бир-бирига мададкор бўлиб, шердай наъра тортишган эди.

Илло бу улусда эл ташвиши юрт дардидан четда тургувчилар бўлмаган. Ўзбек - ориятли халқ. Ўзлигини англаган, инсонлик шаънини ҳамиша юксак тутган миллат.

Сукунатдан сизиб чиқаётган ўша қудратли ва ҳазин, хаёлий садолар энди аллақачон тарихга айланган иккинчи жаҳон уруши шовқинлари аро сизиб кела бошлайди. Озод ва эркин ҳаёт бунёдкори – халқ шарафланади. Тошкентда маҳобатли театр бунёд этишда кунни тунга, тунни кунга улаб бир лаҳза ором нималигини билмай, фидойилик кўрсатган ҳам айнан ўша яратувчи, яшнатувчи, бунёдкор, санъатсевар эл фарзандлари эди. Дунё қалқиб турган, машъум уруш не-не обидаларни вайронага айлантираётган йилларида ҳам халқимиз фидоийлиги, ҳаётсеварлиги боис кошоналар қад ростлади, асов дарёлар жиловланди. Шоир ана ўша курашчанлик шиддатининг нидоларини тинглайди. Азму қарорида собит меъмор элни олқишлайди. Ғурури баланд халқ Тошкент зилзиласи жароҳатларига ҳам дўсту қардош кўмагида малҳам бўла олди. Муҳаммад Али буларнинг барчасида даҳмани бунёд этган қадим меъморлар аҳди-шаҳдини кўради:

*Она халқим, жон халқим,*
*Қўлинг гулдир ҳамиша!*

Шоир юқоридаги сатрларни битар экан, ўзига паҳлавон янглиғ тикилиб, қўр тўкиб мағрур турган Гўри Амир қаршисида гоҳ шодон, ғоҳо ғамгин хаёлларга ошно бўлади. Ғиштлар аро қадим меъмор боболаримизнинг яширинган дил розларини ўқийди. Хамиша ҳамсаф бўлган она замин фуқаролари, қадрдон элнинг бир мушт янглиғ бирлиги, жипслигидан шодланса, тарих варақларида не-не номсиз жонфидолар борлигидан ғамгин бўлади. Йилимиз ўн икки ой бўлгани каби, ўн икки меъморни она юртнинг ҳар гўшасида йилнинг ҳар бир ойи, ҳар бир кунида кўрмоқ, дала-қирларда, яшнаётган ҳар бир япроқда ҳис этмоқ мумкин.

Сафоли куй яратган бастакор Навоийнинг нурли чаманидан, фазоларни забт этмоқни тилаган мунажжим Улуғбекнинг юлдузларга сингмиш нигоҳидан илҳом олади. Бу буюклик,

улуғворликни ҳис этади, ғурур туяди. Шу боис ҳам ахлоқий комил бўла боради. Мақтанчоқлик унга бегона.

Шоир халқнинг чинакам тарихи тилга кирадиган кунлар албатта келишига некбин ишонч билан қарайди. Бировга бермайдиган қайғуси –юрт дарди билан ёнади. *«Тарих тилга киради бир кун!»*, - дея такрор-такрор сўйлашдан чарчамайди. Улуғ жамият яратмоқдек эзгу ният бизга бобомерос эканлиги, дунёмизни обод этмоқ халқимизнинг азалий тилаги эканлигини битмоқ, Муҳаммад Али дилига сурур солган, энтикиб сўйлашига боис бўлган.

Унинг мақбара қошида юраги ҳаприқиб турган болани: «*Укамдир менинг»*, - дейиши бежиз эмас. Шоир ўша боланинг кўзларида ҳайрат ва ғалаён мавжудлигини нозик илғайди. Олис тарихдаги меъмор бўлиб севади. Бунёдкор эл бўлиб ардоқлайди. Гумбаз пештоқларида ўйнаган нур жилваларидан мурғак қалбда туғилган саволлар бир кун албатта жавобини топажак. Завол билмас юрт фидойилари доимо ардоқда бўлажак. «*Ўқи, ўрган, укаш»*, - дейди шоир. Ана ўшанда у бизнинг авлодимиз умрини қўш судраб, зор ўтказмаганлигини, бунёдкор элнинг боласи эканлигини англайди, - дея умидланади. Шу туйғуни мустақиллигимиздан қирқ йиллар олисдан туриб китобхонга юктира олади.

Кўринадики, севимли ёзувчимиз Пиримқул Қодировнинг Амир Темур хайрли ишлари ҳақида асар ёзиш фикри Муҳаммад Алида анча илгари уйғонганлиги, *"Гумбаздаги нур" (1967)* достонидаёқ шоирнинг Соҳибқиронга бўлган меҳри рамзий образ ва тагмаънолар орқали ифода этилганлиги ҳақидаги фикрлари ғоятда асослидир.

Дарҳақиқат, Муҳаммад Али «*Гумбаздаги нур*» достонида лирик ҳароратни таъминлашга эришган. Шоир достонда миллат табиатига хос бунёдкорликни, яратувчи инсон мадҳини ўтмиш тарихимиз, хусусан Амир Темур курдирган сервиқор гумбазлар, нақшинкор минорлар ҳақидаги ўй-хаёллар орқали тасвирлайди. Жаҳонгирнинг хайрли амалларини, тарих жумбоқларини туйғулар қоришиқлигида тасаввур этади. Шоир қалбида гоҳ ифтихор, гоҳ алам, гоҳида эса изтироб мавжланади. Аждодлар нафаси сингган соқов деворлар тилга кирганида, умри мазмунини меъморчиликдан иборат деб билган қадим боболаримизнинг қалб садосига хос ҳазинлик ва мағрурлик

китобхон дилига ва туйғуларига кўчадигина эмас, замон шиддатига моҳирона тарзда уланиб кетади. Натижада, ҳазинлик ўрнини ҳаётбахш оптимизм эгаллайди.

Достон муваффақиятларини ҳақли равишда эътироф этган профессор Қозокбой Йўлдошев: *"Гумбаздаги нур" достони ватанни муқаддас қилган халқ ва халқи қиёфасини сақлаб қола билган ватан ҳақидаги самимий битикдир. Достонда кутилмаган ташбеҳлар, ёрқин тимсоллар кўплаб учрайди, ифода табиийлиги таъминланган. Қисмат исканжасидаги одамлар тақдири, туйғулар олами билгичлик билан тасвирланади,* - деб ёзади. (Йўлдошев Қ. Манзил залвори. // "Ёниқ сўз", Тошкент:, "Янги аср авлоди", 2006 йил, Б: 453)

Бир сўз билан айтганда, «*Гумбаздаги нур*» достонида инсоний қиёфалар ва ҳаракатни кузатиш, қалб садоларини тинглаш орқали шоир яратиш, яшнатиш, меҳнат, қувонч ва ташвишларга тўла халқимиз тақдирини ифода этади.

## *ЁЗУВЧИ ТАФАККУР МАНТИҒИ ТАСДИҚЛАГАН БАДИИЙ ҲАҚИҚАТЛАР*

Муҳаммад Али романлари адабий танқидчилигимизда муайян даражада ўрганилган. Хусусан, *"Боқий дунё" (1969-1979)* романи В.Оскоцкий, М.Кудимова, П.Харт, Б.Қосимов, М.Юнусов, А.Каттабеков, П.Шермуҳамедов, Қ.Йўлдошев, Й.Солижонов, У.Ўлжабоев, О.Носиров, И.Тўлаков ва бошқа адабиётшуносларнинг назарига тушди. Тақризларда романнинг ғоявий-бадиий хусусиятлари, образлар тавсифи, сюжети, композицияси сингари жиҳатлари таҳлил қилинди.

Академик М.Қўшжонов "*Сарбадорлар*"да салмоқли ўрин тутувчи Амир Темур образи, Соҳибқироннинг тарих майдонидаги дастлабки қадамлари билан боғлиқ жиҳатларга тўхталар экан: *"Жаҳон миқёсида бу саркарда образи тасвирига кўп асарлар бағишланган. Аммо Амир Темурнинг ўз ватани – Туркистонда бу улуғ шахс адабиётдан четда қолиб келди. "Сарбадорлар"да адабиётимизда мавжуд бу кемтик бир оз тўлдирилади... Амир Темур роман ғоясига мувофиқ чекланган*

*ҳолда тасвирланади. Шу боисдан, китобхон бу образнинг кейинги қадамлари билан қизиқади ва воқеанинг давомини кутиш ҳиссида китобни ёпади"*- деган сатрларни битади. Шунга қарамасдан, олим романда Амир Темурнинг бош мақсади – тарқалиб бораётган бекликлар ва хонликларни қайта тиклаш ва Туркистонни қудратли мамлакатга айлантириш орзуси қатъийлашганлиги, Соҳибқирон ўзининг бутун онгли фаолиятини шу мақсадга бўйсундирганлиги, мазкур шахснинг ўттиз ёшлик навқирон давридаги ёрқин сиймоси бутун мураккабликлари билан ҳаққоний чизилганлиги каби жиҳатларни ҳам синчков назаридан қочирмайди.

Муҳаммад Али насрини мунтазам кузатиб борган М.Қўшжоновнинг башоратлари тўғри чиқди. Адиб орадан сал фурсат ўтмай, Соҳибқирон Амир Темур ҳаётининг кейинги қадамларини қаламга олди. Бирин-кетин иккита роман дунё юзини кўрди. Дастлабки романга академик олимнинг сўнг сўзи билан китобхонлар қўлига бориб етиш бахти насиб қилди. *(Қаранг: Улуғ салтанат. "ШАРҚ" НМАК Бош таҳририяти, Тошкент, 2003, 328-333-бетлар)* М.Қўшжонов ҳақли таъкидлаганидай, Соҳибқироннинг улуғвор шахсияти ҳақида эпопея шаклида асар яратиш нафақат истиқлол берган имконият, балки ҳаёт талаби ҳамдир. Адабиётшунос романни жангнома типидаги асар эмас, балки қисмат етовидаги оддий инсон тақдири акс этганлиги жиҳатидан ўзига хос деб билади. Олим ўрни билан асарни А.Толстойнинг *"Пётр 1"* романи, А.Ориповнинг *"Соҳибқирон"* драмасига қиёслайди. Ёзувчи эстетик идеалини эътиборга олмасдан романни баҳолаш дуруст эмаслигини таъкидлайди. "*Улуғ салтанат*"ни *"янги реалистик тарихий роман"* деб баҳолар экан, романнинг ижобий хусусиятларига тўхталиб: *"тасвирда меъёрга, мувофиқлик талабига етарли даражада риоя қилинган", "зўр қизиқиш билан ўқилади, енгил қабул қилинади.*", - деб ёзади. У носир қаламининг камолга етгани, мазкур романда услуб жиҳатидан янги босқичга кўтарилганлигини эътироф этади. Ёзувчини қаҳрамонлар қалбига қулоқ тутиш йўлини давом эттиришга, илгариги асарларида кузатилган серсўзликдан қутулишга даъват этади. Афсуски, *"Улуғ салтанат*"нинг иккинчи китоби қўлёзмаси ҳақида ҳам роман муҳокамаси жараёнида талай ижобий

фикрлар билдирган олимга унинг нашр вариантини кўриш насиб қилмаган экан.

Бизнингча, Соҳибқироннинг улуғвор шахсияти ҳақида эпопея шаклида асар яратиш вазифаси филология фанлари доктори, профессор Наим Каримов тўғри таъкидлаганидай, "*Ойбек, Миркарим Осим бақога юз тутган, Одил Ёқубов ва Пиримқул Қодиров мавзуни ўзлаштириш ва бадиий мужассамлаштиришга тайёр бўлмаган, Бўрибой Аҳмедов истеъдод йўналишида тадқиқотчиликка тамойил бўлиш босим бўлган"* бир даврда ижодининг ички динамикаси жиҳатидан ҳам, ижтимоий ҳаётдаги мавқеига кўра ҳам Муҳаммад Али зиммасига тушди.

Наим Каримов истиқлолгача бўлган даврда тарихий жанр табиати мукаммал эгалланди, - деган фикрни илгари суради.(Қаранг: *"Тарих ва адабий жараён" // Мустақиллик даври адабиёти.* Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, Тошкент, 2006, Б: 58) Бу фикрга умуман қўшилган ҳолда таъкидлаш керакки, тарихий роман ички динамикасига кўра ҳамон ривожланишдаги жанр бўлиб, истиқлол йилларида унинг янги қирралари қайта кашф этилмоқда. Олим тарихий мавзулар ва тарихий шахслар образини яратишда мустақиллик даврида яратилган тарихий романлар ҳақида гапирар экан, *"азамат мавзу"*га қўл урган Муҳаммад Али романларидан мамнунлигини изҳор этади. Бироқ негадир адиб изланишларини Бўрибой Аҳмедовдан ўрганиш самараси сифатида баҳолайди. *"Амир Темур"* ва *"Улуғ салтанат"* романларини тавсифийлик устиворлиги жиҳатидан бир қаторга қўяди. Гарчанд бу асарларнинг тарихий роман яратиш йўлидаги қутлуғ қадамлар эканлигини эътироф этса-да, адабиётшунос ҳар бир романга алоҳида меъзонлар билан ёндашиш лозимлиги, *"Улуғ салтанат"* муаллифи тасвир усулида тавсифийликдан кўра лиро-романтик талқин етакчилиги, кўплаб бадиий-эстетик ҳақиқатларга Муҳаммад Али мустақил изланишлари самарасида етиб келганлигига етарлича аҳамият қаратмайди.

Муҳаммад Алининг устоз Матёқуб Қўшжонов маслаҳатларига қулоқ тутиши, китобхоннинг қизиқишларини эътиборга олиши ва энг муҳими ўрта асрлар тарихидан йиққан материалларининг ҳажми, Туркистон тарихидаги бетакрор

ҳамда улуғвор сиймога бўлган меҳри иккита романга ҳам сиғмади. Ҳозирги кунда носир бу борадаги қизғин изланишларини давом қилдириб, роман тетралогия яратиш ниятида ижодий иш билан банд.

Демак, ҳозирча "*Улуғ салтанат*" романининг китобхонлар қўлига теккан биринчи ва иккинчи китоблари хусусидагина сўз юргизиш мумкин.

Пиримқул Қодиров *"Шоир ёзган роман" (ЎзАС, 24 октябр, 2003)* номли мақоласида Муҳаммад Алини шоирликда кучга тўлгач, катта насрга мурожаат қилишда Чўлпон, Шуҳрат, Асқад Мухтор, Ҳамид Ғулом, Мирмуҳсин анъаналарини давом эттирган қалам соҳиби санайди. Адиб романларини *"шеърий руҳ билан суғорилган"* – деб баҳолар экан, "*Улуғ салтанат*" нинг *"номидаёқ шеърий жаранг"* мавжудлигини илғайди. Адиб ҳақли равишда таъкидлаганидай, романдаги кўтаринки руҳ истиқлол даврида Амир Темур тузган улуғ салтанатга нисбатан тарихий адолатнинг тикланиши билан боғлиқдир. Давримиз берган кенг имкониятлар туфайлигина Муҳаммад Али *"қаҳрамонга бўлган меҳри ва ихлосини бор овози билан куйлаб, яйраб ифода этади"*,- деб ёзади П.Қодиров. Романнинг *"Жаҳонгир Мирзо"* деб номланувчи биринчи китобида ёрқин тафсилотлар тасвири, эсда қоладиган лавҳалар мавжудлигини таъкидлаган муаллиф негадир биринчи китобнинг сюжетини тўлиқ сўзлаб беради. Шунга қарамасдан, П.Қодировнинг қуйидаги фикрлари анча асослидир: "*Муҳаммад Али қутлуғ мақсад йўлидаги дастлабки довонни шоирона кўтаринки руҳ билан забт этибди. Эндиги тилагимиз шуки, олдинда турган навбатдаги баланд довонлардан ошишда у ўзининг адиблик ва олимлик тажрибасига ҳам амал қилса"*.

Тарих фанлари доктори Т.Ширинов, филология фанлари доктори М.Холбеков, тарих фанлари номзоди А.Бердимуродовлар қаламига мансуб *"Улуғ салтанат шукуҳи" (ЎзАС , 2004 йил 13 август)* мақоласида романнинг биринчи китобида *тасвирланган воқеаларнинг тарихий ҳақиқатга мувофиқлиги, давр колоритининг ишончлилиги, исломий моҳиятнинг ҳаққонийлиги* асарнинг ёзилиш жараёнидан бевосита бохабар бўлган кишиларнинг фикри сифатида илгари сурилади. Мазкур роман ва умуман сўнгги йиллар ўзбек адабиётида Соҳибқирон

образини яратишда бошланган адабий жараённи муаллифлар ўтган асрнинг 80-йилларида адабий ҳаётимизга кириб келган Кристофер Марлонинг "*Буюк Темур*" драмаси билан боғлашга интиладилар. Гўё А.Орипов, О.Ёқубов, П.Қодиров, Б.Аҳмедов, Х.Султонов, Х.Даврон, Т.Мирзолар қаламига мансуб бобомиз шахсиятини улуғловчи катта-кичик асарларнинг барчаси К.Марло драмасининг таъсирида юзага келган эмиш.

Албатта, жаҳон адабиётида юзага келган бу фожианинг адабиётимизга, бадиий-эстетик тафаккуримизга муайян даражада таъсири бўлганлиги шубҳасиз. Бироқ юқоридаги муаллифларнинг асарлари *биринчи навбатда* истиқлол даври берган улкан имконлар, *иккинчидан*, ҳар бир ижодкорнинг ички интилиш ва ҳаётий кузатишлари, *учинчидан*, адабий-маънавий эҳтиёж меваси туфайли юзага келди. Қолаверса, ўзбек адабиёти, хусусан, романчилигимизда тўпланган тарихий мавзудаги турфа асарлар тажрибаси "*Улуғ салтанат*"нинг юзага келишида кучли асос вазифасини ўтадики, масалани бундай тор доирада олиб қараш дуруст эмас. Боз устига, К.Марлони улуғлаш эвазига Шекспирнинг юртимизда ундан олдинроқ тарғиб қилингани, англанганидан ажабланишга ҳеч қандай асос йўқ. Жаҳон адабиётининг буюк сиймоларига бағрикенглик билан муносабатда бўлсак, масаланинг моҳияти шўро мафкураси билан боғлиқ эканлигини назардан қочирмасак мақсадга мувофиқ бўлар эди.

"*Улуғ салтанат*"нинг биринчи китоби хусусида анча асосли мулоҳазаларни илгари сурган олимларимиздан бири филология фанлари доктори А.Расулов бўлди. Олимнинг *"Улуғ салтанатнинг шаклланиши" ("Жаҳон адабиёти" 2003 йил, ноябр, 136-138 б.)* мақоласида романнинг сирларини англаш борасида академик М.Қўшжонов ва профессор Б.Қосимовларнинг йўл-йўриқ ва тавсияларига асосланилади. Натижада, мунақид асосий эътиборини романнинг жозибасини таъминлаган омилларга қаратишга муваффақ бўлади. Унинг: *"Улуғ салтанат" романи шу пайтгача Темур ҳақида яратилган аксарият асарлардан фалсафий негизи нуқтаи назаридан фарқ қилади"* - деган дадил фикри ғоятда асослидир. Зеро, романда Соҳибқирон шакллантираётган салтанатнинг бош фалсафаси – якдиллик, адолат, бағрикенглик тамойилларини барқарор қилиш

эканлигига асосий эътибор қаратилган. Танқидчи ёзувчининг тафаккур мантиғи орқали тасдиқланган бадиий ҳақиқатларни англаш йўлидан боради. Бу эса унга адолат, эзгулик, инсонийлик мужассамлашган Темурнинг мураккаб тақдири моҳиятини тушуниш, пок иймонию меҳрга лиммо-лим қалбини теран ҳис этиш имконини беради. Аёллар образининг таянч марказида Бибихоним турганлигини инкишоф этишга, Амир Темур салтанатини шакллантиришида рўбарў бўлган муаммолардан бири амирлар бошини қовуштириш, бошқарув тизимининг асоси эса диний-фалсафий қарашлар эканлигини тўғри белгилашга олиб келади.

Олим ғоятда синчковлик билан Амир Темур ҳақида Мағрибу Машриқда 1500 га яқин асарлар яратилганию "*Улуғ салтанат*"да юздан ортиқ амирлар, баҳодирлар, ўнбошиларнинг номлари келтирилганигача санаб чиққан. Бу муайян даражада ғалати туюлса-да, А.Расуловнинг романда ғоявий юкдан маҳрум, қалби ва руҳияти етарлича очилмаган, олимнинг ўз таъбири билан айтганда, "*адабий экологияга путур етказади*"ган, *"руйхатдан ўтмаган"* адабий қаҳрамонларнинг кўплиги бор гап. Фақат бу фикр тўртала роман ҳам ёруғликка чиққачгина, ўзини оқлаши мумкин бўлади. Чунки ҳали биринчи китобда характер қирраси етарлича кўзга ташланмаган қаҳрамонлар кейинги романларда ярқ этиб очилиши эҳтимоли мавжуд бўлгани боис, узил-кесил хулоса чиқаришга шошилмаган маъқул кўринади. Бу фикрни Соҳибқироннинг пири Мир Саййид Барака характери романнинг иккинчи китобида анча мукаммаллаштирилгани, бунга А.Расуловнинг ўзи ҳам умид боғлаганлиги фактлари ҳам асослайди. Умуман, А.Расулов "*Улуғ салтанат*"ни *"ўз руҳи, моҳиятига эга роман"* - сифатида баҳолаган.

Филология фанлари номзоди, доцент А.Алимбековнинг вақтли матбуотдаги бир қатор чиқишларида *"Улуғ салтанат"* романига ҳозиржавоблик билан муносабат билдирилди. Унинг мақола ва суҳбатларида тарихни бадиий бўёқларда акс эттириш, расмий тарих билан бадиий тарих муносабатлари, буюк тарихий шахслар ҳаётининг инъикоси масалалари атрофлича қамраб олишга ҳаракат қилинган.

Дастлабки сухбат "*Рўй-рост ёзиш ҳуқуқи" ("Шарқ юлдузи" 2003 йил.4-сон, 146-148-бетлар)* романнинг биринчи китоби чоп этилиши даврига тўғри келади. Адабиётшунос Муҳаммад Али ижодининг илк даврларида куртак сифатида пайдо бўлган ниятларда *"Катта ёзмоқ ишқи қўймас мени тинч"* ("Қизил гул") сингари сатрлар мавжудлигига эътибор қаратар экан, адибнинг болалик орзуларидаёқ ижод ишқи, ҳаётни эпик кўламдорликда ёритмоқ истаги мавжуд бўлганлигини кузатади. Суҳбат мавзуи секин-аста жанр танлашда адиб таянувчи асосларга кўчади. Чунки Муҳаммад Али ижодида фарддан шеърий ва насрий романларгача бўлган жанрларга мурожаат қилинганини кузатиш мумкин. Ижодни тинимсиз изланиш деб билган Муҳаммад Алининг ҳақли эътирофича, муайян *асарнинг фикри ва ғояси ўзига хос жанрни танлайди.* Шарқ адабиётининг ўз анъаналари, шаклий услубий ўзига хосликлари мавжуд. Қаламкаш кўпроқ ана шу йўсинга эргашишга ҳаракат қилар экан.

Адиб адабиётда кўпроқ маърифийликни кўрса-да, бадиий адабиёт имконларини муайян жиҳатгагина қаратишни ёқламайди. *"Адабиёт – борлиқнинг инъикоси. У ғайришуурий онг оқимини ҳам кўрсатиб берсин, кўнгилни ҳам кашф қилсин, гўзалликни куйласин"*, - дейди. Ёзувчи адабиётнинг ижтимоий аҳамиятини изоҳлар экан: *"Адабиётнинг вазифаси, даставвал, унинг буюк мураббий эканлиги билан ўлчанади...Асил адабиёт инсон руҳини поклайди, яшартиради, эзгуликка ундайди, ёвузликдан қўлини тийишликка даъват этади, гўзалликни қадрлашга чорлайди"* - деган фикрни илгари суради.

Бинобарин, Муҳаммад Али адабиётнинг диққати инсон кўнглини кашф қилишга қаратилиши, унинг ғайришуурий онгни ифодалаши ҳақидаги сўнгги йиллар адабиётшунослигида илгари сурилаётган фикр-қарашларга тўла-тўкис қўшилмайди. Адабиётнинг моҳиятини ахлоқий маърифат, маданият, миллат-паврварлик, эзгулик тушунчалари билан боғлиқликда идрок этади. Унинг: *"Фақат ижодни ўзига қисмат деб билган қалам аҳлигина ҳақиқий адабиётни яратади... Ўзбек адабиёти француз, испан, япон, форс адабиётлари сингари миллийдир, у бир неча минг йиллардан бери ўз она тупроғида яшаб келаётган ягона халқнинг асрлар давомида яратган адабиётидан"* сингари



ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
O'zbek
ToshDO'TAU
AXBOROT-RESURS MARKAZI

фикр-қарашларида миллат зиёлисининг руҳи айниқса бўртиб кўринади.

Адабиётимизнинг ўзига хослигини жаҳон адабиётида мавжуд ҳар қандай ҳодисаларга ўхшамасликда, миллийлик, халқчиллик, яхлитлик, қадимий анъаналарга бойликда кўриш ҳам Муҳаммад Али эстетикасининг анъанавийликка чамбарчас боғлиқлигини кўрсатади. Бошқачароқ айтганда, унинг эстетикаси мусулмон Шарқи адабиётшунослигида кенг тарқалган адабиёт бу "*адаб*" сўзидан олинган бўлиб, инсонда камол топган одоб-ахлоқни шакллантиришга хизмат қилади, деган қарашга асосланса-да, адабиёт ёзувчи учун шунчаки одобнома эмас. Албатта, у яратган бош қаҳрамонларда эзгулик хусусиятлари бўртиб кўринади. Зеро, кўпинча адиб намунавий характер яратиш истаги билан қўлига қалам олади. Аммо шуниси эътиборга лойиқки, Муҳаммад Али "*Улуғ салтанат*"да энг олий эстетик қадриятларни имкон қадар Амир Темурнинг амалий, ахлоқий, жисмоний ва табиий-инсоний фазилат-хусусиятлари яхлитлиги – гармониясида кузатади.

Назаримизда, мазкур роман концепциясида ёзувчи эстетик идеалига кўра адабиёт ва санъат аслида инсонда ҳам, жамиятда ҳам ҳар жиҳатдан комиллик бўлишини, улар ўртасидаги пайвасталик, уйғунлик таъминланишини тилайди, - деган ақида устивор бўлса ажаб эмас. Шунинг учун ҳам, ёзувчи ўз талабларини ўтказишга уринади, ана шу пафосни куйлашга иқтидор ва салоҳиятини бахшида этади. Доимо кўп сонли китобхонни назардан қочирмасликка уринади. Чунки у расман янги адабий оқим ва йўналишлардаги изланишларни инкор этмаса-да, оммавий адабиёт тарафдори сифатида намоён бўлади.

*"Ҳар қандай халқнинг бўй-басти унинг буюк тарихи билан ўлчанади"* - деб билган Муҳаммад Али Амир Темур ҳақида бор ҳақиқатни миллий манфаатлар нуқтаи назаридан ифода этар экан, роман орқали халқимиз миллий онгини уйғотишга, миллий ғурурини юксалтиришга, буюк бобомизнинг шавкатли ҳаёти ва ибратли фаолиятини замондошларимизга ўз эстетик идеалига мувофиқ тарзда тақдим этишга ҳаракат қилган. Адиб билан суҳбатлашиш асносида А.Алимбеков унинг яхлит ижоди контекстида Амир Темур мавзусининг илҳом манбаига айланиш сабабларини ёритишга, эстетик идеаллари, орзу-армонлари

хусусида сўзлашишга муваффақ бўлади. Асосли саволлари билан суҳбат жиловини тўғри йўналтиришга эришади.

*А.*Алимбековнинг *"Тарих жозибаси" ("Моҳият", 2005 йил 30 декабрь, № 51-52)* мақоласида *"Улуғ салтанат"* ўзбек тарихий романчилиги анъаналари билан боғлиқликда кузатилади. Олим тарихий мавзуда асар ёзиш масъулиятининг залворини ҳис этади. Ўзбек адабиётида сўнгги йилларда тарихий мавзуда яратилган асарларда кузатилган ижобий хусусиятлар унинг синчков назаридан четда қолмайди. *"Тарихий сиймоларга бир инсон сифатида қараш, уларнинг кўнгил эврилишларини беришга ҳаракат қилиш айниқса ижобий ҳолдир"*, - деб ёзар экан, тарихимизни миллий манфаатлар нуқтаи назаридан холис ва ҳаққоний баҳолаш истиқлол даври берган имконлар сирасига киришини тўғри таъкидлайди.

Адабиётшунос Муҳаммад Али тетралогиясининг биринчи китоби *"Жаҳонгир Мирзо"*даги муваффақиятларни тарихий шахслар сиймосининг ёркинлигида, тарихий фактларнинг бадиий либосга ўраб берилганида, факт ва бадиий тўқиманинг уйғунлашувида, қаҳрамонлар ички дунёси тасвирига эътиборнинг ортганида, улар нутқининг индивидуаллаштирилганида кўради. *"Роман ўзбек адабиётида Амир Темур образини яратишда янги йўналишга асос солди. Муҳаммад Али тарих жозибаси акс этган бу асари билан ўзбек тарихий романчилигида янги саҳифа очди"*, - деб ёзади.

Кўринадики, А.Алимбеков академик М.Қўшжоновнинг *"Улуғ салтанат" ўзбек адабиётида пайдо бўлган янги реалистик тарихий романдир"* - деган фикрларини қўллаб–қувватлаш йўлидан боради. *(Қаранг: М.Қўшжонов. Ёзувчи камолотидан далолат. Улуғ салтанат. Биринчи китоб, Сўнгсўз. Т.: 2003, 333-б.)*

А.Алимбеков *"Улуғ салтанат"* романи иккинчи китоби *"Умаршайх Мирзо"*нинг *"Шарқ юлдузи"* варианти пайдо бўлиши ҳамон ёзувчи билан суҳбатлашди.*(Қаранг: Бадиий тарих манзаралари. ЎзАС, 2006 йил, 13 январь, № 2)* Бемалол айтиш мумкинки, А.Алимбеков суҳбатдошининг романни ёзиш жараёнида таянган манбалари, ижодий ниятлари, амал қилган тамойиллари, эришган муваффақиятлари, кўзлаган мақсадлари дунёсига киришга муваффақ бўлган.

А.Алимбеков муаллифни янги нашр билан муборакбод қилар экан, суҳбатни дабдурустдан китобнинг номланиши ва айрим ҳолат-лавҳалар (жумладан, Амир Темурнинг Тўхтамишхонга саховати)нинг китобхонда бир қадар бўрттирилгандек таассуротлар уйғотишидан бошлайди. Зеро, романдаги мазкур жиҳат ҳақиқатан ҳам китобхоннинг иштибоҳига сабаб бўлиши мумкин. Муҳаммад Алининг изоҳларидан маълум бўладики, ёзувчи авваламбор, бу буюк зотнинг табиати ва саъжиясидан, қолаверса, ўша тарихий даврнинг ижтимоий–сиёсий вазиятидан келиб чиқиб, асосли тарихий манбааларга таяниб иш кўрган экан.

Муҳаммад Али учун тарихий солномалар Соҳибқирон даври руҳини яқиндан ҳис этиш, уни қуршаган кишилар феъл-атворини англаш, ҳар бирини тирик одам сифатида тасаввур қилишда беқиёс аҳамиятга молик бўлган. Аммо роман-тетралогия улуғ шахс ҳақидаги муаллиф ҳақиқатининг инъикосидан бўлак нарса эмас. Муаллиф эса Амир Темурни миллатнинг буюк кишиси, унинг хонадонини мамлакатнинг катта ҳамда қутлуғ оиласи сифатида ифода этар экан, китобхонни ўша оила ва давлатдаги ахлоқий-маърифий етуклик ҳукмронлиги мисолида яхлит салтанатда таомилда бўлган халқимизнинг асрий тажрибаларидан ибрат олишга чорлайди.

Демак, ҳар иккала романда ҳам Соҳибқиронни саркарда сифатида эмас, кўпроқ инсон сифатида тасвирлаш бир жиҳатдан характер ҳамда вазият мантиғидан келиб чиқса-да, аслида адибнинг бош мақсадига мувофиқлиги билан ўзига хослик касб этади.

Соҳибқирон тақдири саркарда сифатида Искандар Зулқарнайн, Атилла, Чингизхон сингари жаҳонгирлар фаолиятига туташ. Адибни эса унинг сийрати ва амалий ишларидаги комиллик ва бунёдкорлик ўзига мафтун этади. Муҳаммад Али Амир Темур шахсининг ўзига хослигини *"Амир Темур чамани"* эссесидаёқ батафсил ёритишга ҳаракат қилган эди. Романнинг сюжет чизиғига эса Амир Темур табиатига хос, ўз тасаввурларига монанд характер руҳий оламини очишга кўмаклашадиган воқеалар киритилган.

Умуман, Муҳаммад Али романлари ҳамиша адабий танқидчиликнинг диққат эътиборида бўлиб келди ва бу жараён ҳануз

давом этмоқда. Чунки Муҳаммад Али романчилигимизга янги мавзу ва янги муаммоларни дадил олиб кирди. Яна ҳам аниқроқ айтганда, анъанавий саналувчи тарихий мавзуга тамомила янги томондан ёндошиб, Соҳибқироннинг шу пайтгача кузатилмаган индивидуал қирраларини кашф эта олди.

Авваламбор, янги мавзу ва муаммоларни кўтаришдаги дадилликнинг ўзи ҳам таҳсинга лойиқ иш. Бироқ бизнингча, адибнинг мозийга ёндошув позицияси, санъаткорона талқинига эътибор қаратиш, шу орқали индивидуаллигини кашф этиш муҳимдир. Носир Амир Темурни ҳам ижтимоий-сиёсий, ҳам оилавий-маиший, ҳам ахлоқий - таълимий планда даврнинг мураккаб шароити, кескин зиддиятларидан ажратмаган ҳолда таҳлил этади. Зеро, ёзувчи давримизнинг талаб-эҳтиёжларидан келиб чиқиб, халқимизнинг сиёсий-иқтисодий, маънавий-маърифий тажрибаларига таяниб иш кўрган. Бунинг учун эса, комил ишонч билан айтиш лозимки, мустақиллик давригина кенг имкониятлар берди. Истиқлол мафкурасининг талаблари маънавий-ҳаётий замин вазифасини ўтадики, илгарилари қаламга олиш имкондан хориж бўлган кўплаб ҳодисаларни бутун мураккаб-ликлари билан тасвирлаш имкони яратилди.

Демак, *«Улуғ салтанат»* романининг юзага келиши мамлакатимиз маънавий ҳаётида, халқимиз тафаккурида юз берган умумий жараёнлар билан узвий равишда боғлиқдир. Романдаги аксарият ўзига хосликларни янги тарихий даврнинг тақозоси, миллий адолатнинг бадиий ҳақиқат тарзида қарор топиши сифатида изоҳлаш, асарни шу асосда кузатиш яқин келажакда кўплаб теран тадқиқотларга йўл очади.

## *АДИБ ИЖОДИЙ КРЕДОСИ*

Муҳаммад Али чинакам тарих тилга кирган кунлар келганида *«Улуғ салтанат»* романи устида кўп йиллар меҳнат қилди. Материал тўплаш, ўқиб ўрганиш ва давр ҳақидаги тасаввурларни тўликлаштириш, асарни ёзиш унга осон кечмаганлиги тайин. Амир Темурнинг марказлашган йирик салтанатни бунёд этиши билан боғлиқ йиллар тарихимизнинг

нуфузли ва зиддиятларга бой давридир. Биз унинг тарихий достонлари, шеърий романи ва *«Сарбадорлар»* дилогиясини ёзиш жараёнида тўпланган ижодий тажрибаларини кузатар эканмиз, Халқ, Миллат ва Ватан эрки, озодлик ва адолат, эзгулик ва бунёдкорлик фидойиларини тасвирлаш ёзувчини доимо илҳомлантириб, фикру-ўйини банд қилиб келганлигини кўрамиз. *«Наср –катта шеърият»,*- дейди шоир. Дарҳақиқат, наср ижодкор учун ҳаётни эпик кўламда кенг тасвирлаш имконини берган.

Муҳаммад Али достонлар, шеърий роман, *«Сарбадорлар»* дилогиясини ёзгани, шунингдек эпик достонлар таржимасига қўл урганлиги шуни кўрсатадики, унинг ижодий кредосида эпик кўламдорликка мойиллик мавжуд.

*«Сарбадорлар»*да ёзувчи шу замин фарзандлари бўлган Амир Темур ва содда, ишонувчан, мард сарбадорлар жасоратини алоҳида бир меҳр билан қаламга олади. Самарқандни фозиллар шаҳрига айлантириш орзуси билан яшаган сарбадорлар ҳам ижтимоий адолат талаблари билан чиққан, озодликни орзулаган, шу йўлда курашга отланган эдилар. Уларнинг жасоратию мардлиги туфайли мўғуллар Самарқанддан қувилдиларгина эмас, Мовароуннаҳрга бошқа қайтиб кела олмадилар. Роман Амир Темурнинг айни қизғин тарихий саҳнага чиқиши арафасида тугагани учун бўлса керак, кейин адиб қадрдон мавзуга қайтиб, Соҳибқирон даври ҳақидаги романга қўл уради. *«Амир Темур ҳақида ёзиш нияти кўнглимга нур бериб турибди»,*-деган эди журналист Мурод Абдулла билан суҳбатида эллик ёш остонасида турган адиб.

Дарҳақиқат, жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган буюк ватандошларимиз ҳаётини ўрганиш, улар ҳақида бадиий полотнолар яратиш бизнинг авлод зиммасидаги улкан бурчгина эмас, балки астойдил қўллаб-қувватлашга муносиб юмушдир. Шу маънода эзгу ниятнинг кўнгилни нурафшон этмоғи ғоятда табиийдир. Илло, янгича тафаккур ва қарашлар асосида улуғ амир ҳаётини ифода этмоқ - давр талаби.

Амир Темур бобомиз мураккаб бир замонда яшашига қарамасдан, пароканда юртни бирлаштириб, қудратли давлат бунёд эта олган эди. Айтиш мумкинки, у юрт равнақи, илм ва тамаддун ривожи учун тарихий шарт-шароитлар яратиб олам

тарҳига таҳрирлар киритди. Соҳибқироннинг зиддиятлардан холи бўлмаган ҳаёти, фавқулодда салоҳияти, мардлиги ва жасорати бадиий тадқиқи ҳам авлодларга ибрат бўлишга муносибдир.

Соҳибқирон қалбида юртга тизгинсиз бир муҳаббат, бирлашишга интилиш, давлат шукуҳини мустаҳкамлаш, унинг сарҳадларини муҳофаза қилиш, қудратини ошириш, фидоийлик, бунёдкорлик, дўстга садоқат, душманга нафрат, сўзда собитлик, поклик, элга, оилага меҳр, соҳиби илмга қайишиш сингари ўнлаб хислат-туйғулар мужассам бўлганлиги шубҳасиз. Санъат асари китобхон қалбидан жой олмоғи, тарих олдидаги муқаддас бурчини адо этмоғи учун мазкур жиҳатларни холис ифода этмоқлик, яъни юрт бегининг ҳаёти ва фаолиятини адолат юзасидан, миллий манфаатлар нуқтаи назаридан акс эттириш ҳам тарихнавис адиб олдида кўндаланг турар эди. Узоқ изланишлар ёзувчини чин ҳақиқатни англашга етаклади.

Зотан, Амир Темур ҳақидаги роман у мансуб бўлган халқ ҳақида ҳам битилган миллий асардир. Адиб соҳибқирон ва у мансуб бўлган ҳалқ, Ватан тўғрисидаги тасаввурларимизни кенгайтира оладиган, миллий туйғуни янада теранлаштиришга хизмат қиладиган роман ярата олди. Ўн беш ёшли Жаҳонгир Мирзога ўз муҳаббати тарихини ҳикоя қилган Ахий Жабборни биз *"Сарбадорлар"* романида ҳам учратганмиз. Кўнгилчан Ахий Жабборнинг муҳаббат қиссаси Жаҳонгир Мирзонинг юрак талпинишларига туташгандай туюлади. Сарбадорлар дорга осилган Конигилнинг файзли оқшомларидан бирида кўнгилларни увалтиргувчи ёр-ёр садолари янграб Жаҳонгир Мирзо ва Севин бикаларнинг қовушишлари орқали адиб хаётнинг давомийлигига урғу беради.

Сирасини айтганда, ягона жараён иштирокчилари бўлган сарбадорлар ва Амир Темур мавзуларини даврига кўрагина ажратиш мумкин холос. Аслида шижоатли ва мард Ватан ўғлонлари ҳақида битилган Муҳаммад Али романларини бир замондан нафас олган кишилар тақдиридан сўзлаши маъносида яхлит асарлар санаш керак.

Адиб Амир Темур Кўрагон даври ва шахси акс этган тарихий солномалар билан яқиндан таниш. Улар қаторида Амир Темур қаламига мансуб салтанат ва унинг қонунлари,

соҳибқироннинг бой шахсияти ва инсонийлик хусусиятлари ҳақидаги «Темур тузуклари», унинг ўз назари тушган мўътабар манбаалар Ғиёсиддин Алининг «Ҳиндистон ғазавоти кундалиги», Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома» асарлари, Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»си, шунингдек Кастилия қироли Генрих III томонидан Амир Темур саройига элчи қилиб жўнатилган Руи Гонсалес де Клавихонинг кундаликларини санаш мумкин. Ибн Арабшоҳ қаламига мансуб «Амир Темур тарихи» (У.Уватов таржимаси,Тошкент,1992), Фасих Хавофийнинг «Мужмали Фасихий», Н.Остроумов, В.В.Бартольд, А.Якубовский, И.Умняков, Т.Грановский, Ф. Метсопский, И.Шильтбергер, Силвестер де Саси, И.Мирокова, Алихонтўра Соғуний, И.Мўминов, Б.Аҳмедов, А.Ўринбоев, А.Аҳмедов, П.Қодиров, Ҳ.Кароматов, О.Бўриев, Ҳ.Бобобеков, Ҳ.Бобоев, А.Қуронбеков ва бошқаларнинг тадқиқотларини ҳам ёзувчи синчковлик билан кузатган.

У жаҳон бадиий адабиётининг нодир дурдоналари Кристофер Марлонинг «Улуғ Темур» трагедияси, Иоганн Вольфганг Гётенинг «Темурнома»си, инглиз адиби Чарльз Саундерс қаламига мансуб «Улуғ Темур» трагедияси, Абдулла Хотифнинг «Темурнома» достони, француз тарихчиси Рене Груссенинг «Саҳро салтанати» асари, Самуил Кларкнинг «Буюк Тамерланнинг ҳаёти» китоби, Льюсен Керен, Хильде Хукхем сингари европалик адиблар ва бир қатор осиёлик ёзувчиларнинг асарларини ўрганган. Мисрлик Муҳаммад Жамолиддин Рамадийнинг драмаси, покистонлик Азиз Баҳорий, Азиз Аҳмад, Раҳи Аслам сингари адибларнинг романлари, покистонлик Аҳмад Ҳасан Донининг «Темур мероси», мисрлик Саййид Фараж, эронлик Муҳаммад Аҳмад Паноҳ сингариларнинг Амир Темур ҳаёти ва фаолиятидан ҳикоя қилувчи илмий-маърифий китоблари шулар жумласидандир.

Айниқса, Амир Темур ватанида XX асрда пайдо бўлган бадиий темурнома билан чуқур танишган. Бу ерда Абдурауф Фитратнинг «Темур саганаси» саҳна асари, «Юрт қайғуси», «Темур олдинда» мақолалари, қозоқ шоири Мағжон Жумабоевнинг «Амир Темур монологи» шеъри, Салоҳиддин Тошкандийнинг «Темурнома» асарларини эслаб ўтиш мумкин. Агар Фитрат Амир Темур сиймосида «турклик шарафи»,

«турклик номуси, эътибори, иймони, виждони»ни кўрган, миллатни оёққа турғазишда бу буюк сиймонинг улкан таъсир кучи ва қудрати мавжудлигини ифода этган бўлса, Мағжон Жумабоев бегоналар жаҳонгир тупроғида ҳукмфармо эканлигидан қаттиқ изтироб чекади.

Бемалол айтиш мумкинки, Фитрат ҳаяжонли туйғулари, Мағжон Жумабоев маънавий-руҳий тўлғонишлари, Қодирий ва Ойбек армонлари Муҳаммад Али қалбида кечган кечинмаларга вобастадир. Унинг соҳир қалби ҳам Амир Темур образининг ноҳаётий ва ноҳалол талқинларидан озорлангани, ижодкор кўнгли бунга қарши муносиб жавоб беришга шайланганига шубҳа йўқ. Қутлуғ мавзуга қўл урилишининг ана шундай миллий, маънавий-руҳий асослари мавжуд.

Бевосита Амир Темур образи яратилмаган бўлишига қарамасдан, Ойбекнинг *«Навоий»* романи, Уйғун ва Иззат Султоннинг *«Алишер Навоий»* драмаси, Мақсуд Шайхзоданинг *«Мирзо Улуғбек»* трагедияси, Одил Ёқубовнинг *«Улуғбек хазинаси»,* Пиримқул Қодировнинг *«Юлдузли тунлар», «Авлодлар довони»* сингари романларида соҳибқирон руҳининг доимо сезилиб туриши, ғаразли мақсадни кўзлаб ёзилган Сергей Бородиннинг *«Самарқанд осмонида юлдузлар»* романида эса қондошлик туйғуси танқислигини илғаши ёзувчининг тарихий ҳақиқатни бор бўй-басти билан рўй-рост кўрсатиш мақсадинигина эмас, балки Амир Темур образи ва даври руҳига қалбан кира олганлигини ҳам кўрсатади.

Шу боис ҳам адиб улуғ тарихимиз ҳақида баралла ёзиш имкони туғилган истиқлол йилларида яратилган Бўрибой Аҳмедовнинг *«Амир Темур»* тарихий романи, Одил Ёқубовнинг *«Фотиҳи Музаффар ёхуд бир париваш»* драмаси, Абдулла Ориповнинг *«Соҳибқирон»* шеърий драмаси ҳақида гапирганида тарихий фактларнинг аниқлиги, инсон қалбининг гўзалликлари кашф этилгани, рамзий ифоданинг қудрати кучли ифодаланганлигидан сўзлайди. Кўнглидаги қувонч ва фараҳни ошкор этади.

Адибнинг улуғ сиймони ҳаёт зарурати ва кўнгил эҳтиёжи сифатида ўрганиб, қадамба-қадам унинг моҳиятини англашга ҳаракат қилиши бу аслида миллатимиз зиёлисининг ўзлигимизни англашга бўлган маънавий-маърифий интилишидир.

Муҳаммад Али бадиий адабиётнинг вазифасини қаҳрамон-нинг руҳий сиймосини яратишдан иборат, - деб билади. *«Адабиёт руҳият оламининг инъикосидир... илмий тарих Шахс ҳақида, бадиий адабиёт Инсон ҳақида қайғуради. Инсоннинг руҳий олами тўғрисида тасаввур беришга ҳаракат қилади»,- деб ёзади. (Қаранг: «Амир Темур чамани», Тошкент, 2006, 138-бет.)* Амир Темурнинг умр достони орқали ёзувчи бу улуғвор шахс мансуб бўлган халқнинг ақлий ва маънавий имкониятлари даражасини кўрсатишга интилган. Замондошимизни қизиқтирган кўплаб ҳаётий саволу муаммоларга афсоналарга бурканган ғаройиб умр достонидан муносиб жавоблар топишга интилган. Амир Темур бунёд этган салтанатнинг улуғлигини, давлатнинг куч-қудрати моҳиятини ёзувчи ижтимоий адолат тамойилининг устиворлигида кўради.

Ёзувчи учун *"Тарих-факт, адабиёт-фантазия"* - деган тезис дастуриламал вазифасини ўтайди. Бошқачароқ айтганда, носир бадиий тўқима асосида тарихий ҳақиқат ётиши лозим , - деган концепцияга асосланиб иш кўради. *"Расмий ҳужжатли тарих,* - дейди Муҳаммад Али, - *аниқ фактларга, шахсларга, реал воқеаларга суянади ва ўз саҳифаларида барчасини қайд этиш билан чекланади. Адабиёт эса, биринчи галда, расмий тарихда таърифланган шахс қалбини – унинг муҳаббатию нафратини, қувончию изтиробларини, ҳис-туйғуларию ҳаяжонларини тасвирлайди, бадиий тадқиқ этади. Аниқ фактлар, шахслар, воқеалар адабиёт қаҳрамони яшаётган ҳаёт майдонига безаклар бўлиб хизмат қилади".*

Албатта, муаррих расмий тарихни, ёзувчи эса бадиий тарихни яратиши ҳақидаги фикр назарий янгилик эмас. Шунга қарамасдан, ҳануз айрим адабиётшуносларимиз бадиий асар-нинг расмий тарих хабарларига нечоғлик мутаносиблигига катта эътибор билан қарашади. Шу маънода романнависнинг тарихий асарда фантазиянинг ўрни масаласини теран англашини назарда тутсак, *"Улуғ салтанат"*нинг моҳиятини идрок этишимиз анча осон кечади.

Роман Амир Темурнинг жаҳонгирлик юришлари ҳақида битилмаган. Асарда унинг китобхон камроқ биладиган, тасав-вурларимиз бирмунча хира бўлган, ниҳоятда диққатга сазовор инсоний фазилатлари, шахсияти ва шахсий ҳаёти, бунёдкорлик

фаолиятига кўпроқ аҳамият қаратилган. У нафақат душманлари учун қасоскор, балки сипоҳийси учун сиғинадиган тимсол, халқи ва эли учун эса ота қаторидаги улуғвор шахс, ожизу бечораларнинг раҳнамоси сифатида идрок этилади. Давлат ишларини кенгашу тадбир, машварат асосида адолат тамойилига путур етказмай олиб боради. Ҳар бир қадамини тўккиз карра ўлчаб босадиган, ноилож қолган дамларидагина қиличга ўрин берадиган, бирлаштириш йўлида жон фидо этадиган инсон сифатида тасвирланади. XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV аср бошида Амир Темурнинг жаҳон сиёсий иқлимини белгилашда улкан нуфузга эга бўлиши, дунё тарихига таъсир ўтказувчи давлат арбобига айланиши ҳам ана шундай факторлар билан изоҳланади.

Бинобарин, адиб Амир Темур шавкатли даври ва шарафини алоҳида эҳтиром билан қаламга олар экан, уни тарқоқ юртни бирлаштирган, якдилликнинг улуғ иқбол эканлигини исботлаган, ўзаро низоларга барҳам бериб, юртда осойишталик ўрнатган шахс сифатида англайди. Туркистон диёрининг довруғини дунёга танитган, фан, маданият, санъат ва меъморчиликнинг юксак поғоналарга кўтарилишига ҳуқуқий ва ижтимоий-сиёсий асос ҳамда шароит яратган инсон фаолияти билан бизнинг давримизда амалга оширилаётган улуғвор яратувчанлик ўртасида тарихий-генетик муштараклик мавжудлигини кўрсатишга интилади. Шу боисдан ҳам адиб фикр-ғоясини англаб етишда ана шу замонлар муштараклиги ифодасига диққат қаратмоқ лозим бўлади. Зеро тарихнинг ўзи давомли китобдир.

Романда замонларнинг муштаракликда идрок этилиши Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида: *«Биз ўз олдимизга келажаги буюк давлат, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган жамият қуришдек улуғ мақсадни қўйганмиз. Бу диёр, бу бетакрор юрт барчамизники, Ватанимизнинг мавқеи ва обрўйини дунёда муносиб даражага кўтариш ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиз. Ўзбекистонимизда ўзгаларнинг ҳавасини тортадиган эркин ва фаровон жамиятни албатта қурамиз, ўзимизнинг эзгу мақсадларимизга албатта етамиз. Кўпмиллатли юртимизда ҳеч ким ҳеч қачон давлатимиз ва жамиятимиз эътиборидан четда қолмайди.»*,-деб комил ишонч

билан айтган сўзларига ниҳоятда ҳамоҳангдир. (Қаранг: «Ўзбекистон овози» газетаси, 8 декабрь, 2006 йил, 145-сон.)

2007 йилнинг *«Ижтимоий ҳимоя йили»*, - деб аталгани, инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш устивор вазифа сифатида белгилангани, истиқлол йилларида юртимизда ҳар томонлама мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга бўлган ишончли ижтимоий ҳимоя тизими шаклланиб, амалда ўзини оқламоқда эканлиги бунинг амалий исботидир. Қолаверса, мазкур ҳол бизнинг тарихий илдизларимиз ғоятда чуқур ва қадимий эканлигидан ҳам яққол далолат беради.

Президентимиз Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги ва Амир Темур бобомизнинг 670 йиллик таваллуд айёмига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида: *«Ўз даврининг енгилмас қаҳрамони, миллатнинг ҳақиқий етакчиси, фавқулодда буюк шахс, буюк инсон бўлган Амир Темурнинг бетакрор ҳаёти ва фаолияти, жасорати ва ибрати бугунги кунда бизнинг ёруғ келажагимизга ишонч бағишлайди, олдимизга қўйган мақсадларга эришиш учун чексиз куч-қувват, қатъият ва шижоат бахш этади»*,-деган сўзлари буюк тарихимизни, умумбашарий тараққиёт тарихида беқиёс ўрин эгаллайдиган улуғ аждодимиз, буюк давлат арбоби ва саркарда ҳаёти ва фаолиятини ҳар томонлама чуқур ўрганиш орқали ундан зарур сабоқ чиқаришнинг нақадар муҳимлигини тасдиқлайди. (Қаранг: «Ўзбекистон овози», 28 октябрь, 2006 йил, 128-сон)

Зеро Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти, миллий озодлик учун, мустақил ва қудратли давлат барпо этиш учун олиб борган кураши мисолида биз миллатимиз, халқимизга мансуб бўлган ақл ва заковат, бағрикенглик ва Ватанга содиқлик, қатъиятлик ва бунёдкорлик салоҳияти мужассамлигини кўрамиз. Истиқлол йилларида ҳам соҳибқирон салтанатига хос улуғ бунёдкорликлар амалга оширилаётгани ҳақли равишда қалбимизга улкан ғурур ва ифтихор, мамнуният бағишлайди, халқимизнинг руҳини юксалтиради.

Ўзининг чинакам тарихини эндигина ўрганиб, англаб келаётган Озод ва Эркин юрт фуқароларини миллатимиз қадду камолини оламга кўз-кўз қилиб, шаён-шукуҳини улуғлаган қутлуғ давр ҳаёти меҳр-муҳаббат билан тасвирланган *«Улуғ салтанат»* романи зинҳор бефарқ қолдирмайди. Романнинг илк китоби етакчи

қаҳрамони Жаҳонгир Мирзо ҳаёти улуғ салтанатнинг оёққа туриб, жаҳон майдонига қадам қўйиш йилларини қамраб олади. Ёзувчи учун Жаҳонгир Мирзонинг йигирма ёшида, ундан ёдгор қолган қатъиятли ва жасур, чақмоқдай йигит бўлган, мамлакат маснадига валиаҳд бўлиши мўлжалланган Муҳаммад Султоннинг эса йигирма етти ёшида, ардоқли Оқа Беги хонимнинг йигирма уч ёшида бевақт хазон бўлишлари *биринчидан*, Амир Темур бобомизнинг салтанат пойдорлиги ҳақидаги ушалмаган улкан умид-ниятлари, *иккинчидан,* халқимизнинг ҳам буюк армони.

Демакки, роман буюк давлат ва миллат тақдири ҳақидадир. Роман тагматнидаги мазкур масалани эътибордан соқит қилиш мумкин эмас. Муҳими, Соҳибқироннинг ҳар қандай мусибат ва қўргуликлардан қадди эгилмагани, метин иродаси букилмагани, мулку миллат равнақи, фарзандлар камоли йўлида шодлигини ҳам, ғамини ҳам улусга сездирмай, вазмин ва собитқадамлик билан ўз фаолиятини давом эттирганидадир.

Демак, Амир Темур Кўрагон шахсияти жаҳон тарихида жуда кам учрайдиган ноёб ҳодисалардан бири бўлиб, саркардалик унинг серқирра фаолияти бир қаноти холос. Муҳаммад Али эса соҳибқирон Амир Темур зиммасига тарих нечоғлик улуғ вазифалар юклаганини юрак-юракдан ҳис қилган, ифодалашга интилган адибдир.

Роман ҳаётий ва инсоний манзараларнинг санъаткорона талқини билан тасаввурларимизни янгилашга хизмат қилиши жиҳатидан ҳам қимматлидир. Илло жаҳон аҳлини бахтиёр қилмоқни ният қилган, шу йўлда фидойилик кўрсатган соҳибқироннинг ўз фарзандларини-да бахтли эта олмай, қайғу-ғамлар гирдобида ўртанишлари уни тақдир етовидаги тирик, баркамол, табаррук, қалби бутун, адолатпеша, оқибатли Инсон, давлат арбоби ва саркарда сифатида англашга ундайди. Китобхон тасаввурларини заминга яқинлаштиради. Адибнинг мақсади ҳам миллатнинг отаси бўлган буюк шахснинг авлодларга намуна бўлгулик ибратли инсоний фазилатларини ҳаётий лавҳалар орқали замондошимизга етказишдан иборат.

Ёзувчи: *«Бизнинг улуғ бобомиз жаҳонгиргина эмас, балки БУЮК ИНСОН»,* - деган меъзонга тўла жавоб бера олган сиймо эканлигини ифода этган. Унинг юксак парвозларинигина эмас, инқирози сабабларини ҳам кўрсатган. Носир асарни қисмларга

Дориломон салтанатда тарбиянинг инсоний йўли танланган ва қонун даражасида устивор бўлганлигига асосланиб, персонажларни тирик инсон сифатида тасаввур қилади. Давр шароитидан келиб чиқиб, сабабни англаш орқали оқибатни ифода этишга ҳаракат қилади. Бинобарин, адиб тасвир объектига жаҳоний андозалар асосида ёндошади.

*"Улуг салтанат»* романида Амир Темур ва у орқали халқимиз тарихининг бадиий биографиясини муфассал ёритиш мақсади кўзланган эмас. Тетралогиянинг узоқ даврлик воқеаларни ўз ичига олиши эса шунчаки ташқи фактор вазифасини ўтайди. Романнинг бир неча китобдан иборат бўлиши мўлжалланганлигига келсак, бундан Соҳибқирон ҳаёти ва фаолиятида муайян изчилликни таъминлаш орқали таҳлилни кенгайтириш назарда тутилади.

*Биринчидан,* китобхонлар қўлига бориб етган иккала романдан ҳали адибнинг кўнгли тўлмади. Яъни уларни давом эттиришга ёзувчи ўзида ички руҳий эҳтиёж сезмоқда. *Иккинчидан,* гарчанд ҳар бир романнинг қайсидир даражада поэтик ечими, мантиқий интиҳоси мавжуд бўлса-да, иккала китобдаги аксарият қаҳрамонлар тақдири ҳам, марказлашган давлатни бунёд этиш бош концепцияси ҳам ҳануз тўлалигича ҳал қилинганича йўқ. Роман қаҳрамонлари кўзлаган мақсадлари сари дадил интилишмоқда. Ҳали тетралогиянинг талай муаммолари очиқ қолдирилган бўлиб, воқеа-ҳодисалар тасвири яхлит тарзда қиёмига етмаганидек, бош поэтик ғоя ҳам муфассал ечимини топганича йўқ. Қолаверса, носирнинг руҳий-ижодий ҳолатида қониқмаслик ҳисси мавжуд. Китобхон эса тақдирларнинг кейинги қисмати билан қизиқмоқда. Демак, ўз-ўзидан аёнки, романнинг кейинги китоблари яратилишига реал эҳтиёж мавжуд.

Шубҳасиз, цивилизация жараёни эпопеяларга эмас, балки ҳажман ихчам асарларга эҳтиёж сезади. Бироқ бадиий ижоднинг шундай ички қонуниятлари ҳам борки, ижодкор ҳодисалар мантиғига зид бора олмайди. Энг муҳими, вазмин асарларнинг муваффақияти таъминланишидадир. Агар шунга эришилса, шубҳа йўқки, китобхон кейинги жилдларнинг ёзилишини сабрсизлик билан кутади. Адабиётшунос тадқиқотчидан эса, ғоятда нозик ва мураккаб бўлган бадиий ижод жараёнига адиб ижодий кредоси талабига қараб муносабатда бўлиш талаб этилади.

Кўп жилдликнинг барчасини бирлаштириб турган яхлит поэтик ғоя романнинг композицияси, сюжет тармоқларини, характерларни ягона фокус атрофида жипслаштира олса, тетралогиянинг поэтик монументаллиги, ифода нафосати таъминланса, эстетик ибтидо нафис бадиий ечимини топса, адибнинг кўп йиллик меҳнатлари самарадор кечган дейиш мумкин бўлади. Бунга умид бор.

*«Улуғ салтанат»*да мамлакатнинг яхлитлиги учун парокандаликка барҳам бериб, адолат тамойиллари устивор бўлган, марказлашган қудратли давлатни бунёд этиш йўлида фидойилик кўрсатган шахс улуғворлиги яхлит поэтик ғоя ролини ўтайди. Муҳаммад Али бутун роман давомида соҳибқирон ва уни қуршаган кишилар руҳиятини ана шу бош поэтик ғоя асосида таҳлил этади. Ҳозирча ёруғликка чиққан иккита романда мукаммал ишланган талай инсоний характерлар тақдирига дуч келамиз.

Носир соҳибқирон тақдири орқали улуғвор инсон концепциясини чуқур ва бетакрор тарзда очишга, айни пайтда ўша даврнинг ҳаққоний манзарасини ифодалашга муваффақ бўлади. Бошқачароқ айтганда, шахс эволюцияси даврни ҳам тасаввур этиш имконини беради. Индивидуаллик замирида катта ижтимоий маъно мужассамлашганки, Муҳаммад Али соҳиб-қиронни улкан ижтимоий ҳодисалар ичида, фуқаролик туйғусига йўғириб ифода этади. Унинг инсоний қиёфасини асло хиралаштириб қўймайди.

Муҳими, адиб саргузаштларни ҳикоя қилишда батафсилликдан қочишга, конкрет ҳолат-вазиятларни топиб, шу орқали характерларни очишга интилмоқда. Роман марказида ҳаракат қилувчи Амир Темур характери иштирокида уни қуршаган турфа табиатли кимсаларнинг хатти-ҳаракати, руҳияти билан бизни таништиришга астойдил ҳаракат қилмоқда. Демак, романдаги эпик яхлитлик монотонликдан қочиш орқали таъминланган дейиш мумкин.

Сўзимизнинг аввалида *"Гумбаздаги нур"* (1967) достонидан то *"Амир Темур чамани"*(2006) китобигача қариийб қирқ йил ўтганлиги ҳақида гапирган эдик. Адибнинг ижод йўли бошларида *"Ривоят"*, *"Амир Темур қабридан овоз"* каби шеърларда, *"Гумбаздаги нур"* достонида мурожаат қилинган Амир Темур мавзусига қирқ йил давомида содиқ қолиб келаётгани, ўқиб-ўрганиб, изланиб, тадқиқотлар олиб бориб, *"Сарбадорлар"*,

*"Жаҳонгир Мирзо"*, *"Умаршайх Мирзо"* сингари тарихий романчилигимизни бойитган асарлар, Амир Темур ва темурийлар даврига оид *илмий-публицистик мақолалар* яратаётганлиги адабиётимизда ўзига хос ҳодисадир. Ўзининг ижодий кредосини адабиётга қадам қўйган кунларданоқ белгилаб олишга эришмоқ(бу жуда муҳим!), узоқ йиллар изчил, чалғиб кетмай, оғишмай ўша мавзуда қалам тебратмоқ катта талант эгаларига насиб этадиган қисматдир. Муҳаммад Али Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаёти, даври, тарихини, хусусан, Буюк Шахсни *Инсон* сифатида тасвирлаб, уни давлат ва миллат тақдиридаги ўрнини кўрсатиб беришни ўз ижодий кредосининг асослари қилиб белгилаб олди ва бу йўлда қирқ йилдирки, муваффақият билан қалам суриб келмоқда. Шу ерда адибнинг 1970 йилда битилган *"Қизил гул"* шеъридаёқ: *"Катта ёзмоқ ишқи қўймас мени тинч!"* деган сўзлари бежиз келтирилмаганлигини англагандай бўламиз.

## *ЖАМИЯТ ВА ИНСОН КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ АСОСЛАРИ*

Анъана ва новаторлик муносабати ҳамиша адабиёт-шуносликнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб келган. Ижодий изланишлар бугунги кунда ҳам муайян қонуниятлар билан алоқадорликда кечмоқда. Ижтимоий ҳаёт билан ҳамқадам тарзда халқимиз маънавияти ҳам ўзгариб бормоқда. Новаторлик масаласини мазкур жараёндан ажратиш мумкин эмас. Миллий истиқлолимиз бизнинг авлод ижодкор ва олимлари ички эҳтиёжи сифатида илгари кузатилмаган янги вазифаларни юзага чиқарди. Қалам аҳли маънавий-руҳий олами ва давр талаби ўзбек адабиёти тарихида ўзига хос саҳифалар очмоқликни эҳтиёж даражасига кўтарди. Бу эса фольклор ва мумтоз адабиётимиз, ХХ аср адабиёти ва жаҳон адабиётининг илғор тажрибаю анъаналарини ижодий ўзлаштиришни талаб этади.

Демак, ўзгараётган эстетик тафаккур ва янги тарихий шароит шаклий-услубий изланишлар муваффаққиятини таъминловчи муҳим омил, ҳаётий замин вазифасини ўтамоқда.

Зеро жаҳон тарихий жараёнининг бугунги босқичига ҳамоҳанг тарзда мамлакатимизда ривожланишнинг янги даврига дадил қадамлар қўйилди. Бугунги цивилизация ўзининг сифатий жиҳатлари билан яқин ўтмишда босиб ўтилган боскичлардан тубдан фарқланади. Миллий-этник ҳамда тарихий-генетик қадриятларимизга ҳамоҳанглиги билан ажралиб туради. Маданий ва маънавий тараққиётимиз тарихини бадиий-эстетик таҳлил этиш, миллий маданият равнақи учун асос бўлган манбаларни кузатиш пировардида цивилизациялашган тараққиётга дадил интилишнинг муҳим узвини ташкил этади.

Чунки миллий маданият ҳар қандай цивилизациянинг асосини ташкил этади. Шарқ цивилизацияси бағрида камол топган ўзбек адабиёти, хусусан романчилиги ҳам миллий қадриятларимизга, маънавий меросимизга, бой маданиятимизга таянибгина Шарқ ва Ғарбнинг умумбашарий қадриятларини ўзлаштира олади. Дунёвий цивилизация йўлидан боришнинг ўзгача модели бўлиши мумкин эмас. Бу фикрлар тасдиғини Муҳаммад Али ижодида намоён бўлаётган адабий факторлар мисолида кузатсак, урбанизация даври қўйган ижодий муаммоларни ёзувчи асосан муваффаққият билан уддалаётгани аён бўлади. Зеро мамлакатимиз иқтисодий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётидаги чуқур ўзгаришларнинг адабий тафаккур тараққиётига у ёки бу даражада таъсир этмаслиги мумкин эмас.

Бинобарин, бугунги кунда миллий адабиётдаги адабий ходисаларни илгаригидек нуқул умумий тенденциялар, яхлит эстетик тамойиллар, ғоявий-сиёсий муаммолар, ифода ва услублар муштараклигидагина эмас, балки миллий адабиётнинг мутлақо ўзигагина хос бўлган мезонлари асосида ҳам таҳлил этиш мумкин бўлиб қолди. Илло истиқлолини қўлга киритган халқимиз ҳаётидаги туб ўзгаришлар анъана ва новаторлик масаласини ҳар қачонгидан анча кескин қилиб қўйиши табиий жараёндир.

Ижодий изланиш эса анъаналар билан мустаҳкам боғлиқ тарзда кечади. Ҳар қандай янгиланиш миллий ва жаҳоний адабий тажрибалар билан тарихан алоқадорликда юзага чиқади. Миллий заминга, миллий адабий анъаналарга ёвуқроқ бориш, эстетик тажрибаларни ижодий ўзлаштириш, жаҳон адабиётида мавжуд илғор усул ва шакллардан фойдаланиб, умуминсоний

идеалини аниқлаш романнинг асосий пафосини тўғри белгилаб олишимизга кўмаклашиши нуқтаи назаридан ғоятда муҳимдир.

Зеро, романнинг етакчи қаҳрамони бўлган Амир Темур метин эътиқод эгаси бўлган Ватан ўғлони, етук сиёсий арбоб. У ўз халқи ва элини ардоқлагувчи чин фуқародир. Мазкур характерга хос эътиқод юксаклиги, ақл-заковат, курашчанлик, фидоийлик, эзгулик ҳимоясига отланиш роман жозибасини таъминлайдиган кучдир. Шу маънода «*Улуғ салтанат*» нинг яратилишини маданий ҳаётимизнинг жиддий ютуқларидан бири санашга ҳақлимиз. Маънавий-руҳий салоҳияти билан замондошларимизга ўрнак бўлувчи Амир Темур сиймоси орқали Муҳаммад Али авлодлар орасидаги шажаравий муштараклик, маънавий пайвасталикни таъминлашдек хайрли ниятни назарда тутган. Айтиш мумкинки, ғоятда самимий, эстетик жиҳатдан таъсирчан, жозибадор тарзда ифода эта олган.

Носирнинг тасвир объектига бўлган меҳри шу қадар юксакки, биз романда соҳибқиронни қуйидаги ҳолат-вазиятларда учратамиз:

*-тизгинсиз ўй-хаёллар гирдобида қолиб, тарих ўз зиммасига юклаган масъулият юки залворини теран ҳис этган ;*

*-оталик мурувватидан қалби тўлиб-тошган;*

*-Сароймулкхоним эътиборидан қувонч ва таскин топган;*

*-Хонзодабегим бошини шафқат-ла силаган;*

*-пири муршид насиҳатларини жон қулоғи билан тинглаган;*

*-эгачиси маслаҳатларига бош эгган;*

*-фарзандлар камолидан суюнган, ифтихор туйган;*

*-неваралар сиймосида истиқбол орзу-армонларини кўриб юпанган;*

*-ғаддор айрилиқ шамшири қалбини тилганида адоқсиз изтироблар исканжасида ўртанган;*

*-ишонган, кечирган, ҳамиятию ҳимоятига олган кимсалардан бевафолик кўрганида қийналган.*

Англашиладики, бу улуғвор шахс тийнатида шахсий-интим кечинмалар билан ижтимоийлик туйғуси узвий туташиб, чатишиб, уйғунлашиб кетади. Шундай бўлса-да, Соҳибқирон тарих ўз зиммасига юклаган масъулият юки залворлироқ эканлигини ҳис этади.

Демак, адиб Амир Темурни ўз даври ижтимоий тараққиётида тутган ўрни ва теран эътиқодидан ажратиб талқин қилмаган. Бу ҳол эса романга табиийлик ва ҳаётийлик бағишлагандир.

Романда ёзувчининг узоқ ўтмиш воқеаларига давримизнинг юксак идеаллари нуқтаи назаридан ёндошуви бизнингча, қуйидаги жиҳатларни юзага чиқарган:

*-Қаҳрамонлар жасорати маънавий илдизларини улар руҳиятида кечаётган жараёнларнинг ҳосиласидан келтириб чиқариш;*

*-ички интеллектуал бисотнинг бойлигини кўрсатиш;*

*-ақл-заковатининг кенглигини намоён этиш;*

*-соҳибқирон ботиний нигоҳининг олисларга қаратилгани орқали:*

*а) фуқаролик туйғусининг теранлигини;*

*б) одамийликнинг самимийлигини;*

*в) саховатнинг бетаъмалигини;*

*г) ҳалолликнинг ҳаққонийлигини;*

*д) мурувватнинг чинлигини;*

*е) адолатнинг барқарорлигини;*

*ё) эътиқоднинг собитлигини;*

*ж) ғазабнинг кучлилиги ва нафратнинг алангаланувчанлигини;*

*з) ҳукмнинг қатъийлигини ифода этиш.*

Романда тасвирланган Амир Темур ҳеч-қачон икир-чикирларга ўралашиб қолмайди, ҳаётнинг бош йўналишига яна ва яна қайтишга маънавий-руҳий куч ва ғайрат топаверади. Муҳими, соҳибқироннинг ҳаёт тарзи ҳам, фикрлаш йўсини ҳам тамомила миллийдир.

Муҳаммад Али бўлажак роман-тетралогиянинг дастлабки иккита китобида соҳибқирон Амир Темур сиймосини ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий-маиший йўсинда ғоявий-бадиий талқин қилишни кўзлар экан, бош қаҳрамон концепциясини ҳам шунга мувофиқ тарзда шакллантирган. Соҳибқироннинг тарихдаги ўрни ҳамда маиший турмуши билан алоқадор фактларни ижодий қайта ишлаб, бадиий либос кийдирган. Соҳибқироннинг атрофини қуршаган одамларнинг-да турмуш тарзи, орзу-интилишлари, изтироб-аламлари, кечинма-

кайфиятларини ифода этиш орқали китобхонда мазкур қаҳрамонларга нисбатан муайян кайфиятлар уйғотишга эришган. Бошқачароқ айтганда, романдаги жамият ва инсон концепцияси мустаҳкам асосларга таянади. Қаҳрамонлар тақдирига дахлдор кичик тарихий фактлар баъзан бадиий талқин жараёнида ёзувчига ўз позициясини изчил тарзда тасдиқлаш учун ғоятда аскотади.

## *ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ҚАҲРАМОН ЯРАТИШ ЙЎЛИДА*

*"Улуғ салтанат"* романида тасвирланган характерлар қайсидир жиҳатлари билан фольклор ва мумтоз адабиётимиз қаҳрамонларини эслатади. Чунки романтик бўёқларнинг қуюқлиги бунга йўл очади. Аммо реаллиги, ишонтириш кучи билан бу қаҳрамонлар китобхон диққатини торта олади. Адиб интеллектуал қаҳрамон яратиш йўлидан борганлигига қарамасдан, тарихий сиймоларни идеаллаштиришдан тийилишга интилган. Қадим Шарқ адабиёти ва романчилигимиздаги ижобий қаҳрамонлар образини талқин қилиш тажрибаларидан ижодий баҳраманд бўлиш орқали улар ўртасида муайян даражада жонли тарихий алоқадорликни ҳам таъминлай олган.

Бунда бизнингча, адибнинг шахсий изланиш ва тажрибалари, истеъдодининг йўналиши, Амир Темурнинг улуғвор сиймосига бўлган қарийиб қирқ йиллик муҳаббат ва эҳтироми ўзига хос ҳаётий замин вазифасини ўтаган.

Муҳаммад Али ёзувчиликнинг қунт билан изланиш, кузатиб яшаш эҳтиросини теран туядиган, ҳаётий мураккабликлардан чуқур мантиқий хулосалар чиқара оладиган, айни пайтда ҳам ўзи, ҳам китобхон учун янги оламлар кашф эта биладиган қаламкашлар сирасига киради. Унинг диққат марказида ҳамиша миллат кишисининг умуминсоний фазилатлари туради. Бу боқий хислатларни юрак илҳоми билан қўшиб халққа тақдим этиш эса ёзувчининг бош муддаосини ташкил қилади. Шу маънода Амир Темурнинг иймон-эътиқоди, сабот-матонатини миллатдошлари ва

замондошлари қалбию руҳиятига сингдириш орзуси носирнинг қўлига қалам тутқазгани шубҳасиз.

Бинобарин, бош қаҳрамон характеридаги хислатларнинг бир қадар қабариқдай туюлувчи сифатлари миллат учун типик, қаламга олинаётган давр ҳамда муҳит учун характерлидир. Шунинг учун ҳам ҳаётий қабул қилинади. Ёзувчи услубидаги анъанавий лиро-романтика реалистик роман учун у қадар ортиқча туюлмайди. Амир Темур ва уни қуршаган кишиларнинг образлари миллий хислатларнинг ташувчилари сифатида китобхон меҳрини козона оладилар.

Соҳибқиронни улуғворлик ва етуклик пиллапояларидан юксалтирган омилларни адиб қуйидагиларда кўради:

*-Соҳибқирон табиатига хос давр талабларини миллат манфаатлари нуқтаи назаридан англаш;*

*- ўзининг билим ва тажрибасинигина эмас, атрофидаги зиёлию амир-амалдорларнинг хатти-ҳаракатларини ҳам бош мақсадга йўналтира олиш;*

*- халқ ва Ватан манфаатлари йўлида ашаддий рақибларини ҳам дўстга айлантиришга интилиш;*

*- фидоийлик намуналарини кўрсатишда ўрнак бўлиш ва бу йўлда тиним билмаслик;*

*-замонасининг турфа жумбоқларига тайинли жавоб излаш жараёнида изтиробли ва зиддиятли ўй-хаёллар гирдобида ўртаниш,*

*-ҳар бир юмушни мулоҳазакорлик, серандишалик билан ҳал этиш.*

Бундай гўзал инсоний хислатлари билан Муҳаммад Али қаҳрамонлари қанчалик узоқ мозийдан туриб боқсалар-да, шу куннинг нафаси билан яшаётгандай қабул қилинадилар. Жумладан, адиб Соҳибқиронни мана бундай лаҳзаларда ҳаққоний тасвирлашга интилади:

*- Сиёсатсу ҳарб ишларига эътиборли бўлиш;*

*- оила ва ахлоқ, таълим-тарбияга диққат қаратиш;*

*- фуқаронинг турмуши ҳақида қайғуриш;*

*- ҳунарманду сипоҳийнинг аҳвол-руҳиятидан бохабар бўлиш;*

*-она табиатнинг рангин жилваларидан завқланиш;*

*- яратиш ва бунёд этиш завқи билан яшаш;*

*-гоҳида иккиланиш ва ҳатто адашиш;*

*-турмуш мураккабликлари ва тақдир синовларидан толиқиш.*

Муҳими, Амир Темур ҳамиша ҳақиқат ва адолат, якдиллик ва бирдамлик, бунёдкорлик ва яшнатиш йўлидаги эзгу идеалларини рўёбга чиқаришга ички руҳий куч топа олади. Иймон-эътиқодига содиқ қолади. Ҳақиқатан ҳам салтанат бунёдкорининг куч-қудрати, танлаган йўлини муқаддас деб билиб, ундан тоймаслигидадир. Эҳтимол, Соҳибқирон характерини чизишдаги носирнинг новаторлиги ҳам айнан шу нуктада намоён бўлса ажаб эмас. Зеро қаламга олинган характер руҳияти ва онгидаги интилишлардан ўсиб чиққан улуғворлик халқимизнинг реал тарихий ўтмишидаги бурилишлардан ажралган эмас. Адиб хусусийликдан катта умумлашмалар чиқаришни кўзлайди ва бунга эришади.

Демак, Муҳаммад Али Соҳибқирон сиймосини ҳам ижтимоий-сиёсий, ҳам оилавий-ахлоқий манфаатлар бирлигида талқин этиш тенденциясини илгари суради. Бир қарашда оилавий-интимдек туюлган ҳолат-вазиятлардан ҳам улкан ижтимоий мазмун келтириб чиқаришга муваффақ бўлади. Бунда ёзувчи Амир Темурнинг бутун ҳаёт йўлини ҳикоя қилиш ёхуд Б.Аҳмедовнинг *«Амир Темур»* романида кузатилганидек, узоқ давр саргузаштлари ҳақидаги тарихий фактларни кўплаб истифода этиш йўлидан бормайди. Балки, соҳибқирон ҳаётидаги энг муҳим ва характерли онларни танлаб олиб таҳлилга тортишга интилади. Носирнинг тасвир усули талаб қилишига кўра, хотира ва ўй-хаёллар орқали ўтмиш давр манзаралари жонлантирилади.

## *ЛИРО-РОМАНТИК УСЛУБ ЖИЛОСИ*

### *а) Яхлит адабий жараён контекстида англашилувчи ҳақиқат*

Биз ҳамиша ўз тадқиқотларимизда алоҳида асарни яхлит адабий жараён контекстида олиб қараш, адабиётимиздаги жонли алоқадорлик ва анъанавийликни назарда тутиб иш кўришни ёқлаб келамиз. Шу орқали романчилик ривожини белгилашга уринамиз. Илло, ҳеч бир давр адабиёти, хусусан романчилиги анъаналарга ижодий ёндошмасдан, уларнинг ҳаракат доирасини янада

кенгайтирмасдан тараққий қила олмаганидек, адабий танқидчилиги ҳам яхлит адабий жараён диалектикасини четлаб ўтиб, мавжуд тажрибаларнинг батафсил таҳлилидан келиб чиқувчи умумлашмаларга эга бўлмасдан ривожлана олмайди.

Маълумингизким, аксарият фольклор асарлари ва мумтоз адабиётимиз намуналарида фантастик саргузаштлиликка эътибор кучли эди. XX аср романчилигининг шундай даврлари бўлдики, меҳнат кишисини улуғлашга, меҳнаткаш инсоннинг курашчанлигини тасвирлашга, ижтимоий идеалларни тасдиқлашга катта аҳамият қаратилди. Ўзбек романчилиги узоқ йиллар давомида драматик коллизияларни таҳлил этишда жанр спецификаси ва услубий хусусиятларга мувофиқликка нисбатан камроқ эътибор қаратди. Чунки социологик таҳлил бадиий конфликтнинг ижтимоий характерлар ўртасида кечишига кўпроқ диққат қилишни талаб қилар, бу эса бир қадар жўнликни келтириб чиқарар эди.

XX асрнинг 70-йилларига келиб қаҳрамонларнинг реал вазият ва шароит билан тўқнашувларидан келиб чиқувчи руҳий кечинмалар драматизмига ҳам аҳамият берила бошланди. М.Қўшжоновнинг *«Ойбек маҳорати» (Тошкент, 1965)*, У.Норматовнинг *«Насримиз анъаналари» (Тошкент, 1978)* сингари асарларида ўзбек насридаги конфликтнинг тарихий илдизлари ҳамда ўша даврга хос хусусиятлари Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом, Асқад Мухтор, Саид Аҳмад ва бошқа носирлар ижоди мисолида кузатилди. 90-йилларга келиб А.Раҳимов тадқикотларида сюжет ва конфликт масалалари махсус ўрганилди. *(Қаранг: А.Раҳимов «Ўзбек романи поэтикаси» сюжет ва композиция. Филол. фанлари доктори... дисс. Тошкент, 1993.)*

Гап шундаки, Муҳаммад Алининг *«Улуғ салтанат»* романида ҳам ўзбек романчилигининг 70-йилларидаёқ кузатилган бир ҳолат кўзга ташланади. Бош қаҳрамон ўз душманларига нисбатан ғоятда гуманистик руҳда муносабатда бўлади. Натижада характер руҳий драмалари ички коллизия мақомини касб этади. Зеро ёзувчининг мақсади ва ушбу романнинг туб моҳияти шуни талаб қилади. Аксинча, Х.Дўстмуҳаммаднинг *«Бозор»*, У.Ҳамдамнинг *«Мувозанат»*, Л.Бўрихоннинг *«Жазирамадаги одамлар»*, Т.Рустамнинг *«Каплаклар ўйини»* сингари романларида тасвирланган қаҳрамонларнинг мураккаб тақдири худди реал ҳаётдагидек - бозор одамига

хос бутун дағалликлари билан ифодаланганлигини кузатиш мумкин.

Бу ўринда анъанавий контрастликдан бир оз чекиниш, руҳиятни очишда характерларни бутун мураккабликлари билан кўрсатишга интилиш, бинобарин реализмнинг чуқурлашуви ва адабиётнинг инсон табиатига, онг-руҳиятига яқинлашуви кузатилади. *«Улуғ салтанат»*даги фидоийлик, романтик шижоат эса ўз даврининг илғор, бунёдкор кишиси руҳиятини соҳибқирон характерига хос кучли ва бир қадар заиф – оддий БАНДАсига хос табиийликда ифодалаш билан боғлиқ. Ҳаётий заминнинг атрофлича бадиий таҳлили мазкур романнинг конфликти ижтимоий-эстетик қиммат касб этишини таъминлайди.

Адибларимиз умуман ўзбек адабиёти, хусусан, насрида мавжуд тажрибаларни жаҳоний қирралар билан бойитаётган экан, романчилигимизда теран ички мантиқий боғланиш жараёни кечмоқда деб айта оламиз. Ҳар бири алоҳида бир олам, бадиий изланиш самараси бўлиб бораётган романларимиз ўз навбатида индивидуал ёндошувни-да талаб этади. Замонавий адабиёт-шунослик ва адабий танқидчиликнинг ана шундай адабий ҳодисалар табиатини таҳлил ва тадқиқ этишга киришгани кишини қувонтиради. Зеро ҳамиша ҳам ижтимоий-эстетик заруриятни ҳис этиш замонавийликнинг асосини ташкил қилиб келган.

Тарих ва тарихий сиймолар мисолида халқимиз кўнглига унинг истиқлол йилларидаги кайфиятига мос бўлган миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини олиб кириш шунчаки ўткинчи ҳодиса эмас. Ўзбекнинг шонли ўтмишига хос улуғворликни барча фазилатлари билан кўрсатиш орқали бугунги маънавий-руҳий камолимизни юксалтиришга қўшилган муносиб ҳиссадир.

Демак, *«Улуғ салтанат»* романи нечоғлик узоқ тарих ҳақида битилган бўлса-да, замонамизга ҳамоҳанглиги билан қадрлидир.

Зотан, Соҳибқироннинг адолатпешалиги, самимияти, кечиримлилилиги, олижаноблиги, бунёдкорлиги, эл-улус тақдири йўлидаги жонфидолиги, истиқболни кўзловчи хайрли юмушларга камарбасталиги, нуқул яхши амаллар билан машғуллиги, дунёқарашидаги улуғворлик, туйғуларидаги нафислик, меҳр-мурувват, маҳаллийчиликка қарши курашчанлик нафақат табиий майллар, балки миллат генидаги фазилатлар билан ҳам боғлиқдир.

*«Улуғ салтанат»* романида айрим ҳодисаларга фавқулодда тус берилганлиги, характерлар қисматидаги кескин ва ҳаяжонли нуқталар қаламга олинганлиги ҳам ўзига хос тасвир усули бўлиб, бизнингча бундан адиб ўз эстетик идеаллари моҳиятининг китобхон қалбига нисбатан аниқроқ етиб боришини кўзлайди. Муҳими, Муҳаммад Али халқ ва миллат тақдири ҳақида, ахлоқий-маънавий ва ижтимоий-сиёсий муаммолар хусусида чуқур ўйларга толади. Миллат маънавий юксалишига минг йилликлар давомида тўсиқ бўлиб келган масалаларга тайинли жавоблар ахтарар экан, китобхонни ҳам эргаштира билади. Маҳаллийчилик ва маҳдудликни, ижтимоий-сиёсий тарқоқлик ҳамда қарамликни танқид қилар экан, айрим анъанавий тамойилларимиз ғуборлардан-да ҳоли эмас. Инсон шахси камситилган, ғурури топталган, номуси поймол этилган, миллат шаън-шавкати қадрланмаган жойда тараққиёт ҳам бўлмайди. Миллат шаън-шавкатини чинакам фидойи, курашчан, бунёдкор, улуғвор фарзандлар олқишлайдилар,-деган илғор умумммиллий ҳамда умуминсоний позицияда туриб масалаларни бадиий таҳлил этади.

Энг қийин дамларда ҳам, қувончли онларда ҳам ҳаётга ўта талабчанлик билан ёндошувчи, иймон-эътиқоди бут Амир Темур на оиласи, на эл-улуси, на тарих олдидаги масъулият ва жавобгарлигини бир лаҳза бўлсин унутмаслиги билан чинакам *ИНСОН* сифатида намоён бўлади. Соҳибқироннинг қизи Султон Бахт бегим оилага дарз кетмасин деб жоҳил ва нонкўр эрининг барча дағалликларига дош бериб келади. Ўз эрки ва шаъни топталганида, миллат ва Ватанга хиёнат содир бўлаётганини кўрганида эса омонат оила ришталарини бузиб, ижтимоий масъул ва курашчан аёлга айланади.

Демак, романда кўтарилган қатор муаммолар миллий ҳаётимизнинг, бинобарин миллий адабиётимизнинг ҳам ўзига хос индивидуал жиҳатлари ифодасидир. Ёзувчи ижтимоий-миллий, маънавий-ахлоқий муаммоларни юрақдан ҳис этгани боис ҳам уларни қаҳрамонлар қисмати ва характерига сингдира олган. Илло миллий заминга мустаҳкам ришталар билан боғланган, аниқ макон ва замонни ифода этган асарларгина эътиборга лойиқдир.

Англашиладики, реал тарихий шароитдаги роман қаҳрамонлари табиатига хос белги-сифатларни таҳлил этиш ҳам Муҳаммад Алининг асардан кўзлаган асосий муддаоларидан биридир. Шу

боис ҳам *«Улуғ салтанат»*да соҳибқирон ва уни қуршаган кишилар билан боғлиқ муаммолар талқини етакчи пафос даражасида ифода этилган. Замондошимиз руҳий оламининг асосий сферасини ташкил этган муаммолар билан романдаги масалалар талқини ўртасидаги пайвасталикнинг мавжудлигига асосланиб айтиш мумкинки, адиб истиқлол даври ўзбек романчилигининг бош мавзусидан келиб чиқиб асарнинг етакчи қаҳрамонларини танлаган.

Эҳтимол, Соҳибқирон ўз заковат ва қувватининг нисбатан кўпроқ кисмини ижтимоий-сиёсий ва ҳарбий юмушларга сарфлагандир. Аммо ёзувчи ахлоқий-маънавий масалаларни ойдинлаштириш орқали ижтимоийликни тамомила янгича англатишга, бошқачароқ айтганда, шахс руҳияти орқали замонга боқишга ҳаракат қилади. Шу жиҳатдан олдинги давр романчилигимизда мавжуд ижтимоийликдан шахсиятга бориш анъанаси *«Улуғ салтанат»*да тескари тартибда жойлашади. Яъни инсонни тушуниш орқали жамият англанади. Муҳими, адиб мазкур икки жиҳатни жонли ҳамда ҳаётий лавҳаларда мантиқий ва узвий тарзда уйғунлаштира биладики, характерлар тўлақонлилигини таминлаб, улар орқали давр руҳини ифода этишга муваффақ бўлади.

Чунки Амир Темур шахсиятига хос улуғворлик мана салкам қирқ йилдирки, ёзувчи ҳаётининг ҳам узвий бир бўлагига айланган. Узоқ изланиш ҳамда кузатишлардан сўнг етиб келинган соҳибқирон кайфият-руҳиятига бўлган яқинлик образ ҳаётийлиги ва ишончлилигини таъминлаган. Шубҳасиз, кечинмалар табиийлигини таъминлашда Муҳаммад Али табиатига хос талай шахсий хислатлар ҳам қаҳрамонларга кўчиб ўтган.

Демоқчимизки, ҳаётийлик ва ҳаққонийликнинг ошувида муаллифнинг қаҳрамонларига руҳий яқинлиги ҳам муҳим қиммат касб этади.

Зотан, улуғвор сиймолар табиатида ахлоқий маърифат яхлитлиги таъминланган бўладики, унинг ўй-туйғуларига хос шахсийлик ва ижтимоийликнинг сарҳадини тайин этмоқлик ҳам душвордир. Миллат тақдири, истиқболи, маънавий-маданий камолини Соҳибқироннинг оилавий ташвишларидан, мамлакат тақдири ҳақидаги интилишларини шахсий-интим турмушидан айрича тасаввур этиш мумкин эмас. Унинг характерига хос

аксарият янги хислатларни китобхон айнан ички турмуши, оилавий ҳаётига хос микродунёси орқали инкишоф этади. Қаҳрамон қисматига жо қилинган диний-илоҳий мазмун, бетакрор характеридаги улуғвор салобат романинг ғоявий-бадиий йўналишига хос умумий руҳни ҳам белгилаб беради. Натижада, муаллиф фалсафий-эстетик концепциясининг ифодаси китобхонни ҳам фикрлашга, мулоҳазакорликка ундайди.

### *б) Ижод типи ва тасвир услуби*

Муҳаммад Али романда лиро-публицистик, шоирона услубий йўналишдан баракали фойдаланиб, шахс эрки, маънавияти ҳақидаги жиддий фикр-ўйларини, характерларнинг юксак туйғу ва жўшқин эҳтиросларини ифодалашга эришади. Романда қаламга олинган аксарият қаҳрамонлар кундалик ҳаётнинг турфа икир-чикирларидан баланд туриб, идеалга интилиб яшайдилар. Зеро, адиб воқелик тасвирида идеални ҳал қилувчи аҳамиятга молик деб билади. Олийжаноблик ва адолатни барча пасткашликларга зид қўйган ёзувчи учун тарихийлик нисбий аҳамият касб этади. Шу боис ҳам носир истаган, тарихан эҳтимол тутилган яъни юз бериши мумкин бўлган ҳодисаларга кенг ўрин ажратилади. Сюжет ва характерларни далиллашда реал воқелик эмас, субъектив талқин етакчилик қилади. Бунинг натижасида шароит тасвирининг ўзи шартлиликни талаб этади. Ҳодиса моҳияти ва туйғулар жилоси бўрттирилгани боис, қаҳрамонларнинг эҳтиросларида фавқулоддалик юзага чиқади. Тасвирда лиризм устивор бўлиб, фантастикага мойиллик кучаяди.

Реал воқелик ва инсонга нисбатан муносабатда романтик тенденция – лиро-романтик талқин устиворлиги шахс ва тарихий муҳит алоқасининг заифлашувини, универсалликка эмас, аксинча, бирёқламаликка тамойил бўлишни тақозо этади. Атайинлик ва тасодифийлик унсурлари объектив қонунлар устидан ҳукмронлик қилади. Бадиий асарнинг композиция ва услубидан тортиб, психологик характеристика ва табиат лавҳалари тасвиригача мазкур ҳолни кузатиш мумкин бўлади. Муболағадорлик, бир қадар тантанаворлик ва расмийлик ифодасига кенг йўл очилади.

Муҳаммад Али Шарқ адабиёти анъаналари билан яқиндан ошно бўлган адибдир. Шу боис ҳам мазкур адабиётга хос бўлган

характерли хусусиятлар: шоирона кўтаринкилик, ҳаётни поэтик идрок этишда романтикага мойилликдан баракали фойдаланар экан, халкимиз руҳиятида ана шундай анъанавий тамойилларга яқинлик хусусиятини назарда тутиб иш кўради. Яъни насрни шоирона романтик жўшкинлик билан зийнатлайди. Зеро, у ўз ижод йўлида шеърият ва насрни муваффақият билан қўшиб олиб бораётган қалам соҳибидир.

Бинобарин, *«Улуғ салтанат»* романини тасвир принципи жиҳатидан изчил реалистик услуб меъзонлари билан баҳолаб бўлмайди. Чунки роман тасвирида субъектив асос устун мавкеда, лиро-публицистик унсурлар бисёр. Фавқулодда табиатга эга бўлган қаҳрамонларнинг эҳтиросларн жўшқин, ўзлари эса курашчан. Романнинг сюжети, композицияси, етакчи пафоси, тили, тасвир услубида мазкур ҳол ёрқин намоён бўлади. Демак, *«Улуғ салтанат»* таҳлилида у мансуб бўлган ижод типини инобатга олмасак, асарнинг гўзал фазилатларини аниқ кўриш имкони ҳам буткул йўққа чиқади. Бадиий ижоднинг шартлилик тамойили унутилгани боис, ижодкорнинг бадиий ҳақиқати ҳақидаги тасаввурларимиз ҳам бирёқлама бўлиб қолади.

*«Улуғ салтанат»*да образлилик ва эмоционал таъсирчанлик роман тили жозибаси орқали таъминланган. Адиб имкон қадар дабдабабозлик ва риторика, баландпарвозлик ва сийқа жимжимадорликдан тийилишга интилади. У роман учун ғоятда гўзал инсоний туйғуларга бой бўлган ҳаётий фактларни танлайди. Бу ҳол эса зўр ҳаяжон ва қайноқ эҳтиросни талаб қилади. Адабий-эстетик идеалини тенденциозлик билан ҳимоя қилган носир унинг зиддини қатъий туриб рад этиши ҳам табиийдир. Чунки тасвир объектига бўлган муаллиф муносабатининг равшанлиги ғоявий пафос ва идеални тасдиқлашни тақозо этади. Демак, асардаги романтик парвознинг юксаклиги муаллиф қалбидаги кўтаринки руҳдан озиқланади. Бу руҳнинг тарихий асосини соҳибқирон Амир Темурнинг фавқулодда улуғвор характер эканлиги, мислсиз жасоратлари ва фидоийлиги ташкил этади.

Англашиладики, *«Улуғ салтанат»* нинг ғоявий пафосини ташкил этган ва бадиий услубий йўналишини белгилаб берган нарса романга буюк давлатчилигимиз тарихининг миллий илдизлари билан боғлиқ ҳаётий фактлар танланганлиги, уларни дунёга кўз-кўз қилиш, замондошимизнинг онгу шуурига

сингдириш, қалбига етказиш истаги Муҳаммад Алининг олий нияти бўлганлигига бориб такалади. Илло Амир Темур сиймоси ва темурийлар салтанатидан ифтихор ҳамда ғурур туйиш адибда зўр эҳтирос уйғотибгина қолмай, асар ифодасига ҳам романтик қанот бағишлайди.

Амир Темур шахсияти ва амалий фаолияти узоқ йиллар давомида миллий манфаатларимизга тамомила зид тарзда бирёқлама тарзда талқин қилиб келинган эди. Муҳаммад Али мавжуд бўшлиқни тўлдириш мақсадида бутун асар давомида етакчи қаҳрамонлардан инсоний фазилатлар кидиради, уларни пафос даражасига олиб чиқади. Аслида адиб қўлига қалам тутқазган ният ҳам ўзбекнинг сиёсий-маданий, ҳарбий-иқтисодий, маданий-маърифий салоҳиятини ёркин тасаввур қилдира олувчи бадиий тарихни яратишдан иборат бўлганлигига шубҳа йўқ. Бинобарин, романнинг тасвир услуби ҳам ўз олий мақсадлари йўлида фаол курашувчан, интилувчан, шижоатли инсон ҳамда у яшаган давр шиддатини қабартириб кўрсатиш мақсад-ниятларининг ифодаси таъсирида шаклланган.

Демак, кўзланган ният руҳига мутаносиб тасвир тамойилларининг романда устивор бўлишини муаллифнинг ўз танлаган объектларига бўлган муносабатидан, поэтик ифоданинг эса шунга мувофиқлигидан келтириб чиқариш мумкин бўлади. Ана шундагина характерлар тасвиридаги бўёқлар нисбати ҳам китобхонда эътироз туғдирмайди. Ёзувчи эстетик идеалининг позитив тарзда ифодаланиши қаҳрамон табиатига хос эмоционал қувватнинг тўла ҳаракатга келтирилиши билан боғлиқлиги англашилади.

Маълумки, реал ҳаётнинг ўзида пок виждон эгаси бўлган содда, самимий, таъсирчан, эътиқодида собит, ҳаёт гўзаллигини ардоқлайдиган кишилар анчагина. Улар қалбида бундай туйғулар зиддига нисбатан исён бўлиши табиий ҳол саналади. Романда айрим вазият-ҳолатлар тасвирида қаҳрамон билан реал вазият орасидаги зиддият кескин тус олганлиги кузатилади. Бу ҳол бизнингча, юқоридаги типдаги қаҳрамонларнинг нонкўрлик ва итоатсизликни, ғаламислик ва қаллобликни, разолат ҳамда қабоҳатни кўрганида ўзининг изтироб, нафрат, ғазаб туйғулари алангасини босолмай қолиши билан изоҳланади. Жумладан, Амир Темур ҳам, Тўхтамишхонни илк учратганидаёқ хушламаган унинг ўғли

Умаршайх Мирзо ҳам баъзан ўз ғазабларини жиловлай олмай қоладилар.

Демак, қаҳрамонлар ботинидаги ички руҳий куч шиддат олганида, характернинг покиза виждони оёққа турганида, роман исёнкор руҳининг ҳам қабариқ тарзда юзага чиқишини кузатиш мумкин бўлади. Вазият-ҳолатларни бундай тарзда кескинлаштириш яъни айрим қаҳрамонлар табиатига хос муайян хислатларни бўрттиришни романтик тасвирга хос атайинлик тамойили тақозо этади. Англашиладики, айрим вазият-ҳолатларда қаҳрамон хатти-ҳаракатларида пайдо бўлувчи кескинлик тасвир имкониятлари доирасида содир бўлади ва реал вазият талабидан келиб чиқади. Ички норозиликнинг бу тахлитда бўй кўрсатиши муаллиф ғоясини равшанроқ, янада таъсирчанроқ ифодалашга, бинобарин, роман тасирчанлигининг ошишига хизмат қилади.

Аслида романтиканинг табиати идеал йўлидаги дадиллик, фидоийлик ва курашчанликни талаб қилади. *«Улуғ салтанат»* нинг етакчи қаҳрамони Амир Темур нафақат кучли тарихий шахс, балки улуғворлик тимсоли ҳамдир. У ўз идеалидаги салтанатни барқарор қилишга қобил бўлган, ижтимоий муҳитга таъсир эта оладиган, уни ўзгартира биладиган кучли характер. Соҳибқирон буюк империя бунёд этишга, юрт ва миллат номидан ҳуқуқ олган. Тарих ўз зиммасига юклаган мазкур бурчни теран англагани боис ҳам, ҳақиқат ва адолатни барқарор этмоққа ўзининг ҳис-туйғулари, ўй-фикрлари, хатти-ҳаракатларини йўналтира олади. Бироқ тақдир етовидаги бир БАНДА сифатида ҳаёт машаққатлари, севги қувончлари, мусибату изтироблари унга ҳам бегона эмас. Шу боис ҳам адиб романда Амир Темурнинг бахтдан энтиккан, фарзандлар камоли ва неваралар бўйини кўриб кўнгли таскин топган, ғалабалардан беҳад масрур бўлган онларинигина эмас, мағлубиятдан тушкунликка тушган, адашишлардан, йўқотишлардан, алданишлардан изтироб чеккан ҳолат-лаҳзаларини ҳам ҳаққоний чизишга интилади. Соҳибқирон ғам юки қаддини дол қилганида ҳам, кўҳна чархнинг бу бало офатларини «Аллоҳнинг синови, бандаси олдидаги имтиҳон», - деб билади.

Демак, унинг руҳий қувват манбааларини биринчидан, исломий эътиқод ва ички иродадан, иккинчидан, метиндай матонатдан, учинчидан, атрофини қуршагаган инсонларнинг меҳру садоқатидан ахтаришга тўғри келади. Илло, Амир Темурнинг ўз ҳузур-

ҳаловатидан кечиб, яна ва яна курашларга отилишини унинг виждон амридан, адолатни барқарор қилмоқликдек умуминсоний моҳиятга эга бўлган миллий орзуларидан ажратиш мумкин эмас. Амир Темур типидаги адабий қаҳрамонлардан кўзланган максад ҳам романни ўқиган китобхон кўнглига эзгу ҳислар ошиён қуриши, дилида ардоқ, ғурур, яратиш-яшнатиш ва бунёд этиш йўлида интилувчанлик, истиқболга умид уйғотишдан иборат.

Демак, *«Улуғ салтанат»*даги романтик тенденциянинг мустаҳкам ҳаётий замини ҳам, амалий аҳамияти ҳам мавжуд. Асарни ўқиган китобхон миллатнинг олий мақсадларига эш бўлган ўз орзу-идеалларини барқарор этиш йўлида аниқ амалий чоралар кўриш муҳимлигини, курашчанлик ва фидоийлик талаб этилажагини, тўсиқларни мардона енгиб ўта олиш муҳимлигини яна бир бор эътироф этади.

Муҳаммад Алининг *«Улуғ салтанат»*даги романтик талқини реалистик хусусият ва тамойиллардан буткул узилган ҳодиса эмас. Адиб воқеа ҳодисалар тасвирига баъзан лиро-публицистик тарзда ёндошса, айрим ҳолларда қаҳрамонлар табиатига хос фавқулодда сифатларни лиро-юмористик йўсинда очади. Шундай ўринлар борки, романтик парвозлар бир қадар ўйчанлик, мулоҳазакорлик билан уйғунлашади. Яъни лиро-романтик ва аналитик тасвир унсурлари ўзаро чатишиб кетади. Назаримизда, *«Улуғ салтанат»* романи Шарқ адабиётидаги «Чор дарвеш», «Калила ва Димна», «Рамаяна», «Маҳобҳарота авлодлари жангномаси», шунингдек, «Зарбулмасал», «Маспошшо», «Шаҳриёр» типидаги анъанавий романтик асарлар характерида битилган. Муҳаммад Али «Рамаяна» ҳинд эпоси, «Маспошшо», «Шаҳриёр» қорақалпоқ достонларини тилимизга ўгириш жараёнида уларга хос услубдан кучли таъсирланган ва ижодий ўзлаштирганлиги мазкур фикрнинг реал асослари мавжудлигини кўрсатади.

### *в) Ифоданинг рангин жилолари*

*"Улуғ салтанат"* романининг ифода тарзи ҳам ўзига хосдир. Муаллиф асарни халқ оғзаки ижоди ва мумтоз наср анъаналарига монанд ибратомуз руҳда баён этади. Жумладан, Амир Темур қиссахон мавлоно Убайддан Искандар Зулқарнайн ҳақидаги

ҳикоятни эшитганида дунёни забт этган подшоҳнинг атиги ўттиздан ўтиб, оламни қуруқ қўл билан тарк этганидан ибрат олади.

Темурбекка тушида кечган ғаройиб воқеалар ва ғойибдан эшитилган овоз руҳий мадад бағишлайди. Оний лаҳзаларда хаёлидан ўтган воқеа—ҳодисалар кўз юмиши билан худди реалликдагидек намоён бўлади. Падари бузруквори Амир Тарағай, волидаи мухтарамаси Текина хотун, эгачиси Қутлуғ Туркон оқа сиймоларини аниқ кўргандай бўлади, қалбида соғинч ва ўкинч ҳислари қўзғолади. У ўзининг ёлғизлигини ҳис этади. Бундай ҳолат-вазиятда тушида кўрган улуғ пир – Термиз ота насиҳату ундовларига биноан Соҳибқиронга ҳомийлик қилиш мақсадида етиб келган Мир Саййид Барака ўгит ва насиҳатларидан руҳланиб нияти қатъийлашади. Пирининг улуғ халифалар ҳақидаги ҳикоялари идрокига қувват, ҳаракатларига мадад бағишлайди. Дину шариатга ривож, бидъат ва зулмга барҳам беришга ниятланади.

Амир Темур тўнғич фарзанди Жаҳонгир Мирзо туғилганида ададсиз қувончдан ўзини қўйишга жой тополмай, энг учқур тулпорини миниб, бутун ихтиёрини отига бериб, боши оққан томонга – эркин ҳаволарга интилади. Зеро, унинг қувончини ёлғиз шу бепоён чўл ўзига сиғдира оларди. Фарзандини ёмон кўзлардан асрасин деб, атайлаб Ҳиротдан тумор қилдириб, унинг кўксига осиб қўяди. Ногаҳон Жаҳонгир Мирзо иситмалаб қолганида эса, ўғлининг жонини саломат айлашини Оллоҳдан сўраб жойнамоз устида тонгтача Яратганга илтижо қилади. Жаҳонгир Мирзо улғайиб, жанг гирдобига дадил отилар экан, соҳибқирон бундан ифтихор сезадигина эмас, бир ота сифатида юраги увишиб туради. Соҳибқирон хотираларга берилиб, гоҳ ташвишли, гоҳида ширин ўтган дамларни эслаб, ортда қолган ардоқли йилларни қўмсаб, тушуниксиз аламу ўкинч гирдобида қолади, кўзларига ёш олади. Унга падари бузруквори қаттиқ исм қўйган бўлишига қарамасдан, ўн беш ёшидаёқ Темурбек қалбига муҳаббат туйғуси меҳмон бўлади. Соғинч ва изтиробларда ўртанган, ҳасратларга дил берган онларини кўз ўнгида тиклайди.

Амир Ҳусайн енгилганида Амир Темур ғалабадан қувониш ўрнига негадир қалби увалгандай ҳолатни туяди. Айни пайтда, фитначиларга макон бўлган қалъани буздириб ташлатади. Салтанат юкининг залворини ҳис этганида, идрокли ва фаросатли инсон

сифатида сўнгсиз ўйлар гирдобида қолади. Адиб унинг кайфиятидаги бундай салқиликни ҳам назардан қочирмайди.

Соҳибқирон марҳум ўғлидан нишона бўлган олти ойлик неваралари Муҳаммад Султон ва Пирмухаммадни икки қўлига олган лаҳзаларни адиб ички кечинмалар билан қуйидагича манзаралантиради: *"У икки набирани икки қўлига олганча, кўзларига ёш тўлиб осмонларга боқар, ҳеч нарса демас, ўзини шу топда ниҳоятда бахтиёр сезар, дил-дилида Оллоҳга шукрона келтирар эди"*. Дарҳақиқат, гўдакнинг беғубор кулгусини кўрганида, бу мўъжизадан ҳайрат туйиб: *"Халлоқи безаволга салламно!"* айтган, Тўхтамишхон билан саваща Ўрусхоннинг ўғли нобуд бўлганини эшитганида кўнгли *"булк"* этиб, душманига-да Оллохдан сабр тилаган, Сейистон, Сабзавор, Исфахон, Гурганж муҳорабаларидаги ҳаллан ошишлардан афсус-надоматлар чеккан соҳибқиронни адиб Оллохнинг бандаси сифатида бутун табиийлиги билан тасвирлашга уринади.

Ёзувчи романда гўзал пейзаж манзараларини чизади. Табиатнинг янгидан кўз очиш, уйғониш фасли бўлган баҳор манзаралари шундай тасвирланади: *"Сойлар қошига ўсма тортади, далалар кўксига лола тақади, адирлар яшил рўмолларини елкаларига ташлаб оладилар... Узумлар бўйнига шода-шода дур-маржон боғлашни, гилослар шохларига дона-дона ёқутлар, ноклар эса ёмби олтинларни осиб олиб ҳаммага кўз-кўзлашни орзу қиладилар..."*

Боғи Чинордаги чорчаманни таърифлар экан, бу ерда китобхон дунёнинг деярлик барча гулларини учратгандай бўлади. *"Биринчи гулбоғчада тоғ лоласи, гулихайри, наргис, оқ савсан, чаман ақруз, оддий шақойиқ гуллари экилган. Иккинчисида – атиргул, бинафша, лолайидутабақа, саҳройи, хашхошлар бир-бирлари билан кўрк талашади. Учинчисида насрин, оқ ёсуман, гули шашмоға, сариқ арғун, бағдодий қазғолар бошқа гулларга ранг улашади. Тўртинчисида – дарди кокилий, намозшомгул, нилуфар, райҳон, сариқ ёсуман, гултожихўроз, бешинчисида – гули раъно, сафсар, қаранфангул, саҳро лоласи, заъфаронгул, хатми хитойи, садбарг..."* Бу боғ орқали адиб унинг соҳибларидаги гулга бўлган иштиёқни, юксак дидни, нозик кўнгилни, гўзалликка шайдоликни, ундан завқ ола билиш салоҳиятини, яратувчилик ва бунёдкорликни кўрсатишни тилайди. Адиб боққа иштиёқманд бу улуғвор сиймони пешонасига

текканида шихнанинг ҳам жони оғрийди. Дарвозанинг зорланишларини тинглагандай ўртанади. Ўзини манжаниқнинг тошлари дарвозасигамас, гўё пешонасига урилаётгандай сезади. Дунёнинг, навкару сипоҳийнинг тутумига ақли етмаган дарвозабоннинг нолакор илтижолари жавобсиз қолади. У шуурсиз тарзда гандираклаб лиқиллаб қолган дарвозасига талпинади. Ҳаяжоннинг зўридан карахт ва мажолсиз қолган бу шўрлик бўлаётган воқеаларни идрок этолмаганидек, дўқ-пўписаларга ҳам бепарво эди. Умрининг мазмунига айланган дарвозасидан айрилган Стттор шихнанинг бутун дунёси зимистонга айланади. Кўзларида нур сўниб, ҳолсиз ва руҳсиз бир тарзда жон таслим қилади.

Ёзувчи дунёнинг чигал ва адоқсиз савдоларини, уруш фалокатларини жайдари бир одамнинг дил оғриқлари, оҳу зорлари, мажолсиз ва карахт ҳолати, маъносиз нигоҳларига, мазмунини йўқотган ҳаёти ва руҳсиз жисмига жойлаб образга улкан ижтимоий-ахлоқий залвор юклашга муваффақ бўлган.

*"Турўғлон ва Онабўри"* афсонасининг ҳикоя қилиниши қаҳрамон табиатига мувофиқ танланган. Афсона юмшоқ феъл, хаёлпараст, мудом орзулар оғушида юрадиган Ахий Жаббор тилидан нақл қилинади. У биринчидан ўзини маъшуқасининг ёди ҳақидаги фикрлардан чалғитиш, иккинчидан амирзодани ўз муҳаббат қиссаси билан ортиқча зериктирмаслик тилагида олис афсоналардан сўзлайди. Жаҳонгир Мирзога қўшилиб китобхон ҳам ўзини мард ва танти махлуқ – бўрининг ингичка овозларини эшитгандай, меҳрибон нафасини сезгандай, яхшиликка нонкўрлик билан жавоб қилишни тиламаган, ваъдасида собит Турўғлонни кўргандай, зилол сувли сирли кўл бўйларида кезгандек туяди. Жанжалкаш ва қаттол ёвга нафрати ошиб, душманларнинг додини бериб жувонмарг бўлган ботирга ҳамдард бўлади. Қалбини армон туйғулари чулғайди. Унинг ёлғизлигидан ачинади. Онабўрининг мунг-ҳасратлари, машаққатларига шерик бўлади. Унинг садоқати, жасорати, бардоши ва ақлига таҳсин айтади. *"Бўритепа"*, *"Турон"* манзилларига меҳри ортади, ўзининг ҳам *"Турк"* қавмидан эканлигидан ифтихор туяди. Демакки, адибнинг мақсади ҳам шунчаки афсона сўзлаш эмас, ана шундай туйғуларни китохонга юктиришдир. Бизнингча, ёзувчи романда бунга муваффақ бўлган. Зеро, *"Турўғлон ва Онабўри"* афсонасининг мазмуни ва руҳи

Жаҳонгир Мирзониггина эмас, ҳар бир юракнинг ўз афсоналарига мантиқий туташтирилган.

Жаҳонгир Мирзо болаликдан ғаройиб эртаклар сўзлашга моҳир момоси Текина хотундан девлар билан олишиб ғолиб чиққан паҳлавонлар, уч бошли аждаҳонинг учала бошини ҳам кесиб, у асир қилган пари пайкарни қутқариб, кейин унга уйланган шаҳзода, дажжолни ўлдирган баҳодир, ялмоғиз кампирни мот қилган йигит, куёвлар мусобақасида ғолиб чиқиб, малика соҳиби бўлган ўғлон, Алпомишу Барчин, Тоҳир–Зуҳра, Лайли Мажнунлар қиссасини тинглаб улғайган. Айниқса, ҳазрати Хизр кўмагида Палаҳмон девдан севикли ёрини қутқарган мард йигит ҳақидаги ажойиб эртакни такрор-такрор эшитган. Хассос шоир Ҳамид Олимжон таъбири билан айтганда, улар узун тунларда йигитнинг *"фикрини тортган, ҳаваси ортган"*. Шу боисдан кўнгли ана шундай саргузаштли муҳаббат қиссасининг қаҳрамони бўлишни тилаган Жаҳонгир Мирзонинг ғойибона севги тарихи романда унинг табиатидаги эртак қаҳрамонларига монандлик, руҳий таъсирчанликка мувофиқ тарзда очилади.

Илло "*нур билан чайилгандай оқ сариқ юзлари, шаҳло кўзлари, юпқа лаблари, ирининг ўнг томонида мўжазгина холи бор, кулдиргичи ўзига ярашган, тим қора ҳилол қошлари бемисол ! Оламнинг дурри яктоси, гўзаллар гўзали, зеболар зебоси!"* бўлган сулув санамнинг портрети билан танишар эканмиз, муаллиф уни ҳақиқатан ҳам эртагу достонлардаги малакларга монанд тасвирлаганлигини кузатамиз.

Хонзода бегим мирзосидан айрилгач, хаёт унга нотўкис туюла бошлаган ҳолатлар романда таъсирчан ифодаланади: *"Нимага боқса, уни эслатади, ҳамма нарсадан амирзоданинг иси келади, ҳатто ҳаволарда унинг бўйи қолгандек... Кечалари шифтга қараб ётганда, бирдан саси эшитилгандек туюлади... Малика ўзини қўйгани жой тополмасди, осмон узоқ ер қаттиқ. Ёстиққа бош қўйса куйдиради. Момиқдай юмшоқ ўрин ёнига тошдай ботади. Кўзини юмай деса юмилмайди."*

Нозик кўнгли гулнинг баргидек титраб турган азалик келин кўзларини тасвирлар экан адиб бу кўзларда: *"Лоқайдлик, сўниб битган ҳавас, чорасизликдан обод вайрона қалб"*ни кўради. Тасвирда бағоят тийиқлик билан қалам тебратган адиб бевафо дунё ғам-ҳасратларидан сўзлаш мушкуллигига иқрор бўларкан: "*Шу*

*топда Амир Темурнинг ҳам, Хонзода хонимнинг ҳам кўнгилларида туғён урган армонларни – малика учун суюкли ёридан айрилиш, соҳибқирон учун ишонган тоғидан жудо бўлиш ҳасратларини таърифлашдан – бу баҳоят мушкул юмуш эканлигидан, – ўзимизни тиямиз"*, - деб ёзади.

Жаҳонгир Мирзо қабрининг совуқ тошларига ғунчадек лабларини босиб, нозик қўллари билан саганани силаб, ғуборлардан тозалаганича кўзларидан хуноба ёшлар оқизаётган содиқ бева ҳолат-кечинмалари, айниқса, умр йўлдошининг доимо юраги устида тақиб юрадиган туморини икки ёшли ўғилчасига тақиб қўйган лаҳзалар китобхон сезимларини ларзага солади. Ўн етти ёшида бева қолиб, йигирма тўрт ёшигача, етти йил давомида оғринмай келинлик уйида юрган Хонзода бегимнинг ким биландир яна ёстиққа бош қўйиш нияти ҳам, истаги ҳам йўқлигига қарамасдан, соҳибқирон хонадонидан олисланиб, мустарлик тортмаслиги тилагида, ота-боболар удуми бўйича Мироншоҳ Мирзога узатилади. Аммо келин қалбан ва руҳан амирзодаси билан қолади.

Дарҳақиқат, суюкли келинининг одобу тутумидан кўнгли сув ичган Амир Темур ҳам манглайидан ўпиб:*"Сиз келиним эмас, қизимсиз! Қизим !"*, - деб суйган, садоқати билан барчани лол қолдирганида эса ўксик кўнглини кўтариб: *"Ўғлим ўрнида ўғлим!"*, - деб ардоқлаган Хонзода бегим китобхоннинг эсида қоларлик, сезимларига таъсир этарлик даражада маҳорат билан таъсирчан чизилгандир.

Умуман, романдаги Амир Темур, Сароймулк хоним, Мир Саййид Барака, Қутлуғ Туркон оқа, Жаҳонгир Мирзо, Умаршайх Мирзо, Хонзода бегим, Султон Бахт бегим, Амир Ҳусайн, Тўхтамишхон, Ахий Жаббор, Амир Мусо, Зиндачашм опардий, Амир Кайхусрав, Баҳром жалойир ва бошқа кўплаб тақдирларнинг ҳар бирини бир қиссага менгзаш асарни эса шартли равишда кичик-кичик қиссалардан таркиб топувчи роман дейиш ҳам мумкин.

Адиб "*Улуғ салтанат*"даги Хонўғлон номли от образини чизишда Муҳаммад алайҳиссаломнинг Буроқ, Искандар Зулқарнайннинг Буцифол, Султон Жалолиддиннинг Саман, шунингдек Ғўрўғлининг Ғирот, Алпомишнинг Бойчибор сингари отларига хос хусусиятлардан улги олган. Қолаверса, романда тасвирланишича, Хонўғлоннинг онаси – Бўзтарлон яйловларни тўлдириб чопганида сувдай оқиб кетган. Отаси Оқтой ҳам туёғидан

ўт чақнайдиган учқур зотдор отлардан бўлиб, ўз уюрини мардона ҳимоя қила билган. Хонўғлон икки ўртадаги илиқ муносабатлардан яралган.

Бинобарин, насли тоза – зотдор отларга хос бу хислатларнинг бари қулунига юққан. Кишининг иқи суядиган от бўлиб ўсишида Малик Ғиёсиддин синчи йилқичисининг хизматлари беқиёс. Унинг бўлажак дулдулни тарбиялашини ёзувчи худди достонлардаги тулпорлар тарбиясига монанд тарзда чизади: *"Олти ой сағрисига кун туширмай, офтоб тегизмай ертўлада қоронғида боқди, кейин таблада сақлади, ихлос билан қаради. Сомону арпа аралаш емни фақат кечаси берарди. Ертўладан чиққач, дастлаб текис йўлда, кейин шудгорда, охирида эса тошлоқда юришга ўргатди. Ёлини гўзал қизларга силатди."*

Романда соҳибқирон ардоғидаги Хонўғлон *"учқурликда шамолни ҳам ортда қолдирадиган, тезликда чақинга сабоқ берадиган , оҳудан ҳам ўзгир, довруғи достон бир от"* сифатида тасвирланади. У соҳибини кўрганида кўзлари ёниб, гижинглаб, ер тепиниб, бошини турли тарафга силкитиб хурсандлигини ифода қила олади. Хушқомат, абжир, суқсурдай бўз от *"одамдай ақлли, фақат тили йўқ холос"*. У Амир Темурнинг сафарлардаги йўлдоши. Парқинлари ҳали замон қанотлар ўсиб чиқадигандай товланади. Бўйни узун, ўмгани зўр, сағриси ялтираган, кишнаши нағмали ва йўрғаси ўзига муносиб.

Амир Темур бир марта юганни тортиб қўйса, от юриш кераклигини англайди. Қаттиқ чопиш керак бўлганини икки марта юган силтаб тортилишидан илғаб, елиб кетади. Душман отларининг кишнашларидан, ҳаракат танглигини сезиб, тоқатсизлик кўргизади, ер тепинишга тушадики, бу унинг *"Тезроқ кетайлик"* деганидир. Хуллас, Хонўғлон ҳамиша вазиятни сезиб туради. Шунинг учун ҳам Мухаммад Али *"Хонўғлон қувсанг –етасан, қочсанг– қутуласан, деган дулдуллар сирасига киради"*, - деб ёзади.

Дунёни кезиб чиққан тулпор Ҳожи Тархон, Сарой Берка, Московия, Кафа, Табриз жанг майдонида қуюндай чопган, кўчаларидан ғолибона ўтган. Аммо у ҳеч бир жойни Кўксарой ёнидаги сайисхоначалик ёқтирмайди. Ақлу фаросатда одам янглиг жонивор ҳеч қачон ўзига ўқ теккизмайди. Келаётган ўққа чап бериб ўтади. Шу боис ҳам соҳибқирон уни от эмас, дўст деб билади. Амир Темур уни кўргани келганида қувониб кетиб, бўйнини гажак қилиб

суйкаладигина эмас, тумшуғини тираб ҳидлаб ҳам олади. Соҳиби пешонасини силаб, ялтираб турган сағрисига оҳиста уриб-уриб қўйганида ёхуд қўлини қўйнига солиб ширинликлар берганида ўзини ғоятда бахтиёр сезади.

У Тўхтамишхонга ҳадя қилинаётганлигини сезиб, кўзларига ёш олади. Сағрисига қарсиллаб қамчин текканида оғриқдан эмас, янги ҳамроҳиннинг феълидан сесканиб кетади. Аммо оқибатли бедов Тўхтамишхон яраланганида маъюс тортиб қолади, ҳатто йиғлайди. Подшоҳзода ҳам уни қуюндай елиши, садоқати боис "*от эмас, бамисоли тўрт оёқли дев!*" сифатида ардоқлайди.

Дарҳақиқат, дулдулнинг Амир Темурга бўлган меҳри беқиёс. Тўхтамишхон илкида эканида ҳам мудом Самарқандни соғинади. Соҳибқирон сағриси ва пешонасини силаган, юз-кўзларидан ўпган, кишмиш ва канд берган, ўзи эса эркаланиб суйканган кунларни қўмсайди. Шу боис Самарқанд тарафга жилови бурилганида қуюндай елади. Ўқдай учади, туёғидан душман кўзига тупроқ сочади. Қўрқувни писанд қилмай, Довдирсойга чақиндай сакрайди. Кифтида суворий билан сувда наҳанг баликдай сузиб, душманларини доғда қолдиради.

Эгасининг руҳида сўниклик ва маъюслик – мажмағил бир кайфият пайдо бўлганида от дарҳол унинг ҳолатини сезиб, ғамгин тортади, ҳаракатлари сустлашади. Йўрғалашлари шиддатли ва чорловчи эмас, балки уйқуга мойил қилувчи сувдай майин тус олади. Кеч кузнинг салқин сувига қарамасдан, шошқин сойдан шиддат билан ўтиб, бутун қўшинга курашчан руҳ бағишлашдек Тўхтамишхоннинг дилига келган ногаҳоний фикрни уқса-да, сағрисига қамчи тушишига қарамасдан ҳам жон-жаҳди билан чопмайди.

Чунки ҳозир ортидан қувлаётган ёв йўқлигини, ҳоқон ҳимояга муҳтож эмаслигини билади. Бу гал у Самарқандга ҳимоя истаб эмас, балки босқинчилик ниятида бормоқда. Хонўғлон забони бўлмаса-да фаҳм-фаросат, сезгирлик, зийраклик билан буни англайди. Ўз севимли масканига бу тахлитда боришга ориятн йўл қўймайди. Аммо устма-уст қамчилар зарбига чидолмай, зуғум жонидан ўтганидан елиб кетишга мажбур бўлади. Шунда ҳам қайсарлиги тутиб аввалари бемалол кечиб юрган сойига сакрашни истамайди. Бутун қўшин олдида хижолатда қолган хоқон ғазабини жиловлай олмай, тулпорнинг бош кўзи аралаш қаҳрли қамчин солиб юборади.

Чап кўзида чаён чаққандай оғриқ сезган Хонўғлон Тўхтамишхонни қулатиб, Самарқанд томонга елдан ҳам тез учиб кетади.

Хонўғлоннинг чўлу маликлардан ўтиб, адирлар ошиб, ўрқир кезиб, азоб-уқубатларда қаровсиз ўртаниб олдинги гижинглаган бўз тулпордан асар ҳам қолмай, бир кўзидан ажралган абгор ҳолда Кўксарой сайисхонасига кочиб келиши соҳибқирон вужудини титратиб, кўнглини эзади. Севимли отини силар экан, кўзларига тўлиб келган ёшни тўхтатолмай, Хонўғлоннинг бўйнидан қучиб қаттиқ бағрига босади. Бечора жониворнинг шу кўйларга тушишида ўзини гуноҳкор санайди, бағри узилгандай сезади. Бу меҳрни сезган тулпор ҳам йиғлайди. Азобларга дош беролмаган тулпорнинг жон таслим қилганини эшитган соҳибқирон оғир изтироблар исканжасида қолади. Тулпори Тўхтамишхонда турса ҳам, унинг мавжудлигидан кўнгли тўқ эди. Аммо энди қадрдон дўст мақомидаги отнинг уни тарк этгани Амир Темур қалбини тиғлагандай бўлади. Соҳибқирон унинг иззатини жойига қўйиб кўмишларини буюради.

Биз Лев Толстойнинг Холстомер, Чингиз Айтматовнинг Гулсари, Тоғай Муроднинг Тарлон сингари от образлари китобхон қалбига қадрдон бир одам сингари кириб борганлигини яхши биламиз. Назаримизда, *"Улуғ салтанат"* романидаги Хонўғлонни ҳам зотининг тозалиги, ақллилиги, фаросатининг ўткирлиги, вазиятни тўғри фаҳмлаши, инсон руҳиятини нозик илғаши, эркалиги, гўзаллиги, садоқати, қўрқувни писанд қилмаслиги, ориятлилиги, исёнкорлиги, сабрлилиги, мардлиги, абжирлиги жиҳатидан бемалол ана шу сафга қўшсак, хато қилмаган бўламиз.

### *г) Тасвир усулларининг диалектик муносабати*

Мумтоз бадиий насрда шаклланган адабий тил услубига хос такаллуфга мойиллик тенденцияси романда нутқий харак-теристика беришда, лиро-романтик кайфият-ҳолатлар ифодасида асқотса, асарда халқ тилига хос соддалик, сиқиқлик, самимиятдан ҳам баракали фойдаланилган. Жумладан, ёзувчи пиру устозлар, элчиларнинг мактубларию нутқларида мумтоз наср анъаналарига эргашса, романнинг аксарият ўринларидаги ҳикоя тарзи қадимги халқ китоблари, дидактик адабиётни, афсона, ривоят ва эртагу

достонларни ёдга солади. Ҳажвий-киноявий оҳангга урғу берилган баъзи ўринларда эса, жонли халқ тили хазинасидан кенг истифода этилади.

Умуман, романнинг тил колоритини шакллантиришда Муҳаммад Али тарихий китоблар, диний-илоҳий адабиётлар, халқ ижоди, мумтоз адабиёт ва жонли сўзлашув тили имкониятларидан кенг фойдаланган. Бунда имкон қадар тарихийлик принципи талабларидан келиб чиқишга интилган.

Демак, адиб «Қуръони Карим» оят ва суралари, «Ҳадис»лар, талай тарихий китоблар, хусусан, Амир Темурнинг «Тузуклар»и, фольклор ва мумтоз адабиётимиз тилининг гўзаллиги ва қудрати, салмоқли ифодалари, ўткир иборалари, ижтимоий-ахлоқий мотивларига хос шаклий-услубий жиҳатларни романга моҳирона сингдириш учун ўша давр ҳаёти ва адабиётини муфассал ўрганиш, ўрнида фойдаланишга астойдил ҳаракат қилганлиги аён бўлади. Дарҳақиқат, *«Улуғ салтанат»* романида адиб романтик тасвир имкониятларидан кенг фойдаланади. Бунда қуйидаги факторлардан келиб чиқиб, эстетик таъсирчанликни оширишга эришади:

*1. Романнинг умумий руҳи.*

*2. Танланган мавзунинг характери.*

*3. Жалб этилган материаллар тақозоси.*

*4. Характерлар мантиғи.*

*5. Ўзбек китобхонининг минг йилликлар давомида шаклланган дидию завқи.*

Романда афсонаю эртакларга ўхшаб кетувчи ошиқона лавҳалар ҳам мавжуд. Бундай ўринларда қаҳрамонларнинг кечинма-кайфиятларида шоирона патетика ва шартлиликка асосланилади. Натижада, картиналар ифодасига лирик ҳаяжон руҳи юктирилади. Улар китобхонни ўша масъуд дамларнинг жўшқин ва ҳаяжонга тўла лаҳзаларига ошно қилади. Қаҳрамонлар ҳолати юксак манзилларга етаклайди, қалбни орзиқтиради. Демак, "Улуғ салтанат"да лиро-романтик услубдан ўз ўрнида унумли фойдаланилган. Зеро, халқ оғзаки ижодига хос тасвир воситаларидан фойдаланишни моҳият эътибори билан айнан ўша руҳга яқин бўлган романтик ижод типининг ўзи талаб қилади.

Бинобарин, эндиликда, тасвирдаги муболағадорлик, шартланганлик, хаёл парвозлари, мифологик ва баъзан диний-илоҳий қобиққа ўраб фикрларни ифода этиш фольклор асарларигагина хос

тасвир усули саналмай қолди. Чунки реалистик насрнинг аксарият етук намуналарида услублар синтезининг учраши замонавий адабиётга ҳам бевосита дахлдор бўлган ижодий жараёндир. Бугунги замондошимиз ҳам фикран, ҳам руҳан қадим боболари билан шажаравий ворисийликни ҳар дамда англаб, ҳис этиб яшамоқда. Демак, романтик талқинлардан рағбатланиш туйғуси ҳам сўнмаган.

Анъаналарга ижодий муносабатда Муҳаммад Али истеъдодининг йўналиши, тасаввурлар оламининг даражаси, билимларининг қамрови муҳим роль ўйнаган. Зеро, тасвир усуллари диалектик муносабати узлуксиз жараёндир. Энг муҳими, асарда замонавий романга хос тафаккур тарзи таъминланган. «*Либоси мавзун*» кийдирилган романда сўз санъаткорининг реалистик теран нигоҳи мавжудлиги таъминланган.

Бинобарин, «*Улуғ салтанат*»даги айрим воқеалар талқинида учровчи Шарқ адабиёти севги афсоналарига хос, халқ оғзаки ижоди бисотида мавжуд жилваларнинг нафаси сезилиши инсон зотининг барча замонларда ҳам ҳаётдан мўъжизалар кутиб яшаши табиатига, тасаввур ва руҳиятига, маънавий эҳтиёжи ҳамда завқига мувофиқдир. Бадиий тафаккур тараққиётини кузатиш шуни кўрсатадики, анъаналарнинг барқарорлиги аслида уларнинг инсоний эканлиги билан чамбарчас боғлиқ экан. Бунга бугунги жаҳон романчилигида хаёлий, онг ва онг ости жараёнларида кечган туйғу ва ўйларнинг санъат воситасида реаллаштирилаётганлиги, моддийлаштилаётганлиги яққол мисол бўла олади.

Албатта, Муҳаммад Али "Улуғ салтанат"ни бутунлай фольклор услуби ва сюжети асосига қурган эмас. Романда афсона ва реалликнинг ёндош ҳолда келиши кузатилади. Назаримизда, битта-иккита деталдагина эмас, асарнинг умумий руҳида ҳам фольклор ва мумтоз адабиётга хос ифода услуби, романтик пафос кузатилади. Баъзан қадимий афсона ва эртаклар ёхуд тарихий манбалардаги фикр-қарашлар қайта ҳикоя қилинар экан, ёзувчи бундан аниқ мақсад – реал ҳаёт манзараларини тасирчан кўрсатиш, етакчи фикрни тасдиқлашни назарда тутади. Аксарият ўринларда роман персонажлари тилидан берилган эртагу афсоналарнинг ифода тарзи, оҳанги ва услубида Муҳаммад Алининг индивидуал ёндашуви, талқинини кузатиш қийин эмас. Муҳими, адиб аждодларимизнинг эътиқоди ва шижоати, улуғлигию яратувчанлигидан сўзлаш орқали халқимизнинг тарихий маънавияти,

эътиқодмаслаги билан замондошларимиз ўртасидаги пайвасталикни таъминлашни кўзлайди. Узоқ ўтмиш ҳақидаги фалсафий ўй-фикрлар ғалаёни ғоявий-эстетик муаммо мантиғига кўра ёзувчини Амир Темур яшаган даврлардан-да олисларга, илк уруғбоши ҳақидаги афсоналаргача етаклаб боради.

Бизнингча, романда қўлланилган қистирма сюжетлар қуйидаги ҳолатларнинг юзага чиқишига яқиндан ёрдам беради:

*1. Марказий қаҳрамонлар руҳиятини кенгроқ очиш.*

*2. Воқеаларни мантиқий тарзда туташтириш.*

*3. Фалсафий концепцияни рамзий-мажозийлик асосида бадиий гавдалантириш.*

*4. Маънавий-руҳий кечинмаларни чуқурроқ англатиш.*

*5. Реалистик далиллаш.*

Агар диққат қилинса, ўспирин ёшдаги Жаҳонгир Мирзо учун фантастик либосдаги муҳаббат тарихи ғоятда аниқ, тушунарлигина эмас, ҳатто ниҳоятда гўзал туюлади. Адиб ўспириннинг тасаввурлар оламини назарда тутиб, тасвир ҳаётийлигини фантастик либос орқали таъминлашга эришади. Унинг ҳолат-кечинмаларини китобхон руҳиятига маҳорат билан кўчира олади. Умуман, ёзувчи романнинг аксарият образларини реал ҳақиқатдан бир қадар юксакроқ, халқ достонларининг қаҳрамонларига яқинроқ тарзда талқин қилади. Ҳатто Амир Темур характери талқинида ҳам муайян жиҳатлари билан фольклор қаҳрамонларини эслатувчи қирралар мавжуд. Айни пайтда, романнинг барча қаҳрамонлари ўз табиати, ижтимоий-маънавий, ахлоқий-маиший хислатларига, миллий хусусиятларига эга замин фарзандлари эканликлари билан намоён бўлишлари диққатга сазовордир.

### *д) Улуғворликнинг тарихий табиати ва ижтимоий шартланганлик моҳияти*

Улуғворлик ҳаётий конкретликдан, миллийликдан, макон ва замондан ажралган эмас. Аслида ҳам ахлоқий тушунча бўлмиш улуғворликнинг меъёри баркамолликда намоён бўлади. Тоғларга хос юксаклик, шаршараларга хос қудрат, мовий океанлардаги мавж, уммонлардаги чексизлик, осмон тубсизлиги тимсолларидаги табиий қўламдорликнинг кенглиги, ғоятда улканлик, буюклик

бениҳоядай туюлади. Бу қудратни кўрганида, ҳис этганида баъзан инсон боласи ўзини ғоятда заиф сезади. Баъзида эса кўнгилда ўша буюкликнинг бир парчаси эканлигининг, қачондир унга қўшилиб кетажагининг ажиб бир интилиш ҳиссини уйғотади. Натижада қалбимизда ғайриихтиёрий бир қувонч ва ҳайратлар, эҳтиром, эъзоз, тонг қолмоқдан туғилмиш бир итоат ва ҳатто ширин бир кўркинч туйғулари куртак ёзади. Айни дамда кундалик ҳаётий ташвишлар туғдирган тўсиқларнинг нақадар майда ва жўн эканлигини ҳам туямизки, улуғворлик бизга уларни мардона енгиб ўтишга ички бир туртки ҳам беради. Шубҳасиз, буларнинг бари умуминсоний туйғулардир.

Миср пирамидалари, юнонларнинг Парфенони, римликларнинг Колизейи, ўрта аср готик бош черковлари, Исмоил Сомоний, Паҳлавон Маҳмуд мақбаралари, Гўри Амир, Шоҳизинда, Регистон майдони, Тожмаҳал, Ичанқалъа меъморий обидалари; "Рамаяна", "Алпомиш", "Гўрўғли", "Манас", "Сосунлик Довуд", "Маспошшо" эпослари; "Шашмақом" ёки Бетховен, Бах кабиларнинг симфония, соната ва ораториялари, Камолиддин Беҳзод миниатюралари инсоний улуғворликнинг санъат, адабиёт, меъморчиликдаги гўзал ва нафис ифодалари эмасми?

Бинобарин, санъатнинг турли кўринишлари улуғворликни тасвирлашнинг хилма-хил имкониятларига эга. Уларнинг барчаси улуғворлик мавзусини бадиий ўзлаштириш жараёнида вужудга келганлиги аён. Инсониятни ҳайратга солгувчи улуғворликка фақатгина миқёс қўламлари билангина эмас, балки нафосат ва нозик ифоданинг она табиат билан узвий ҳамоҳанглигини таъминлаш орқали ҳам эришилади. Уларга хос салобат, нафосат, бадиият, табиий уйғунлик, ғоявий баландлик, мазмун ва шакл мутаносиблиги сингари белгиларга қараб буюкликнинг даражасини англаймиз, санъатнинг қудратидан ҳайрат туямиз. Шак-шубҳа йўққи, бугунги кунда ҳам замондошимиз улуғворлик орзу-интилишларининг асосий мазмунини она табиат билан ҳамоҳангликка интилиш, ижтимоий фаоллик, ташаббускорлик, ижодкор ва бунёдкор шахсни шакллантириш бурч-вазифаларини адо этмоқлик ташкил этади.

Эътироф этмоқ жоизки, улуғворликнинг аниқ тарихий табиати, ижтимоий шартланганлик моҳияти ҳам мавжуд. Жумладан, Ал-Хоразмий, Имом Бухорий, Мотурудий, Беруний, Замахшарий, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Улуғбек сингари эл-улус

фидоийлари, енгилмас ботирларига хос мардоналик ва улуғворлик хислатлари айни бир вактнинг ўзида тўлиқ ҳамда бевосита намоён бўлади. Одатда, бизга улардаги ахлоқий юксаклик назири йўқ даражада ноёб, ғайриодатий туюлади. Бир жиҳатдан қаралса, аслида ҳам шундай. Аммо кундалик ҳаётида бу инсонларнинг ҳеч бири ҳам улуғворликка даъво қилмай, оддий инсоний бурчларини сидқидилдан адо этмоққа бутун салоҳиятию иродасини йўналтирган эмасмидилар. Эҳтимол, инсоний юксакликнинг ўзи ҳам кундалик ахлоқий муносабатлардан туғилгани учун, оммадан юксала бошлангани учун улуғвор туюлса ажаб эмас.

Дарҳақиқат, Муҳаммад Али соҳибқиронинг инсоний хислатларига хос улуғворликни ифода этмоққа жазм этганининг сири ҳам ана шундадир.

### *е) Макон ва замонни топологик мазмунда англаш*

Муҳаммад Али макон ва замон тушунчаларини материя, ҳаракат ва ўзаро таъсир тушунчалари билан боғлиқликда идрок этади. Тасвирланаётган замонни гоҳ илоҳий мазмунда, гоҳ индивидуал онгга боғлаб ифода этар экан, ижтимоий-руҳий ҳодисаларда муайян кетма-кетлик мавжуд деб билади. Шу боисдан ҳам ҳаётий жараёнларни давомийлик, тарихий мантиқ концепциясига кўра ифода этади. Соҳибқиронни зинҳор ўз маконидан, бошқачароқ айтганда, ўша давр одамига хос жиҳатлардан ажратиб тасвирламайди. Муайян даврнинг одами бўлган Амир Темур ва уни қуршаган кишилар ўша тарихий-сиёсий вазиятнинг ҳар бир лаҳзасида янги бир қирраларини намоён этадилар. Тарихий ҳодисалар ҳам шунга мувофиқ тартибда жойлаштирилади.

Демак, носир оламнинг туб сифатий жиҳатларини ифодалаш орқали макон ва замонни топологик мазмунда тушунади. Яъни олам ҳодисаларини бир-бири билан узвий боғлиқликда, узлуксиз тартибда англайди. Муҳаммад Али вақтни орқага қайтариб бўлмаслигини яхши англайди. Аммо борлиқни сифатий жиҳатдан ўзгаришда деб билади. Агар ўтмиш аждодлар тажрибасига хос улуғвор жиҳатлар билан замондошимизнинг ахлоқий-маънавий робитаси тикланса, реал борлиқда жиддий сифатий ўзгариш ва

ижобий силжишлар содир бўлишини уқдирмоқни тилайди. Маконнинг иккита нуқтасини туташтиришга бўлган бу интилиш аслида ҳаётий зарурият бўлиб, макон топологиясини тубдан ўзгартириш истагини табиий равишда келтириб чиқаради.

Бинобарин, Муҳаммад Алининг *"Улуғ салтанат"*дан ибрат олишга чорлаши ҳам давр талаби, ҳам ижодкор ички майлининг кучидан, қалбининг миллий ҳароратидан туғилган.

Кези келганда таъкидлаш лозимки, истиқлол даври ўзбек романчилиги ривожида пайдо бўлаётган янгича тенденцияларни ўз вақтида илғаш, моҳиятини аниқлаш, таҳлил ва тадқиқ этиш орқали ижодкорни маънавий-руҳий жиҳатдан қўллаш ҳамда китобхоннинг уларни «ҳазм» қилишига кўмаклашиш адабий танқидчилигимизнинг зиммасида туради. Бизнингча, ҳар бир романнинг ўзига хослигини ёзувчининг мақсади, эстетик идеали, танланган материалнинг талқини, олам ходисаларини бир-бири билан узвий боғлиқликда, узлуксиз тартибда англай олиши каби жиҳатлардан излаш лозим. Бугунги романларимизда ҳаётни тадқиқ этиш, психологик теранликка интилиш, фикрловчи, ўйчил қаҳрамонларни яратишга иштиёқ кучлилиги кузатилади. Бундай қаҳрамонларни психологик таҳлил маҳорати нуқтаи назаридан кузатиш яхши самаралар беради, албатта.

## *ПОЭТИК ҒОЯ ИФОДАСИ ВА ПАФОС*

*«Улуғ салтанат»* романида Муҳаммад Али чигал ҳаётий жумбоқлар, мураккаб тарихий шахслар тақдирини фалсафий-поэтик таҳлил этиш йўлидан борадики, бу адиб ижодий монерасида фалсафийликка мойиллик мавжудлигини кўрсатади. Ёзувчи даставвал характерларни ҳаракатга келтирувчи етакчи кучни аниқлаб, сўнгра ҳаётий муаммоларни эзгулик ва разолат кураши фонида ифода этади. Жумладан, романда Соҳибқирон ҳаёти интилиш, умидворлик, бурчга садоқат, ҳалоллик, адолат тантанасига некбин ишонч руҳида ёритилган. Юқорида таъкидланганидай, адибни Соҳибқирон ҳаётининг барча тафсилотларига хос икир-чикирлар эмас, балки инсоний вазиятҳолатлар кўпроқ ўзига жалб этади. Романда қистирма эпизод сифатида келтирилган афсона ва ривоятлар реалистик

позициядан туриб ёритилади. Натижада инсоний тақдирлар моҳиятининг илдизлари окилона тарзда ҳаққоний таҳлил этилади.

Муҳаммад Али учқур хаёлларини тарихнинг узоқ саҳифаларига сафарга йўллайди. Адиб учун тарихий ҳақиқатнинг айнан бадиий ҳақиқатга айланиши эмас, балки характер табиатига хос сифатларни бир қадар бўрттириб ифода этиш муҳимдир. Чунки ёзувчи бугунги кунимиз талаби, замондошимиз бўлган китобхон реал эҳтиёжи ва кайфиятини назарда тутиб қалам тебратиш орқали унинг диққатини ҳаёт жумбоқларига жалб этишга муваффақ бўлади. Шу маънода Муҳаммад Али қаламига мансуб тарихий мазуда битилган асарлардаги аксарият тарихий шахслар характерини ижодкор таҳайюлида яралган, бадиий таҳлил этилган мураккаб инсоний тақдирлар деб қараш керак. Бадиий талқинда адибнинг фалсафий-поэтик баҳосига хос залвор етакчилиги сабабли у яратган бадиий типлар муайян даражада умумлашма образлар ҳамдир. Илло, Муҳаммад Али замон билан ҳамқадам борувчи адиблар сирасига киради. Бинобарин, у қайси давр ва қандай мавзуда асар битмасин, барибир ўз замонаси ҳақида сўзлайди.

*«Улуғ салтанат»* романида инсон тақдири характернинг кўламдорлиги жиҳатидан халқ тақдирига узвий туташиб, миллат ва инсоният тақдири даражасига кўтарилади. Романда Амир Темур образи ўзининг фалсафий-поэтик баҳосини олган. Асарда китобхонни ҳаяжонлантирадиган, ўйлантирадиган ҳаёт ва умр фалсафасининг гўзал тадқиқига дуч келамизки, ҳодисанинг бундай теран ички моҳиятини фақат чинакам санъаткоргина ана шу тарзда кўриши ва ифодалай олиши мумкин. Муҳаммад Али романда Амир Темурнинг ота сифатидаги қалб ўртанишларини ғоятда гўзал чизади. Ҳодиса-лавҳаларга гоҳ драматик, гоҳ оптимистик руҳ бағишлашда, поэтик ечим оригиналлигини таъминлашда индивидуалликка эришади. Бошқачароқ айтганда, ёзувчи ота ва ўғил қисматини инсон қувончу мусибатларига улаб юбора олади. Туйғунинг ғоятда чуқурлиги эса китобхонда кайфият уйғота олади. Чунки бундай ўринларда адиб поэтик ғояни пафос даражасида ифодалашга эришади. Ғоятда хусусийдек туюлган ҳаракат ва кечинмаларга кенг эпик характерни сингдиради.

*«Улуғ салтанат»* романида Амир Темур масъуд дамлар хотирасига берилган, болалик дамларини ёхуд кўрган-кечирганларини хаёлан эслар экан, адиб унинг серташвиш, таҳликали онлари драматизмини бахтиёр кунлари билан антитеза қилади. Ҳолатлардаги миллийлик ифодаси ва қаҳрамон ҳис-туйғуларига хос улуғворликни беришда, шу орқали китобхонда кайфият уйғотишда, тафаккурига таъсир этишда бу усул кўпинча ижобий натижалар берган. Чунки ёзувчи романда қаламга олинаётган даврни яхши билади. Мисқоллаб йиғилган фактларнинг барча икир-чикирлари адибнинг қалб мулкига айланган. Шу боис ҳам носир ҳаётийликни таъминлай олади, мавзуни юракдан ҳис этади.

*«Улуғ салтанат»* марказида алоҳида шахс тақдири ётиши романда конкретлик ва индивидуалликнинг таъминланиши зарурлигини тақозо этади. Чунки романнинг қиммати Амир Темур характерининг қандай очилишига қараб белгиланади. Шу маънода бемалол айтиш мумкинки, Муҳаммад Али роман-чилигимизга Соҳибқироннинг бетакрор ва индивидуал шахс сифатида гавдаланган сиймосини олиб кирди. Ўша даврнинг миллий манфаатларимизга тўла мос бўлган типини ярата олди. Гарчанд, адиб эстетик идеали асосида яратилган бўлса-да, мазкур характер ҳамиша ҳам ёзувчининг хоҳишига қараб ҳаракат қилдирилмайди. Айниқса, юксак инсоний ҳолатлар ифодасида Муҳаммад Али зўр муваффақиятга эришади. Амир Темурнинг умр йўли ғоятда зафарли, айни чоқда анча машаққатли кечган бўлиб, Соҳибқироннинг бетакрор табиати, ижтимоий муҳит, одамларга бўлган муносабати ва бутун умр йўлида кучли драматик асос мавжуд.

Роман сюжет чизиғининг тартибсиз жойлашиши, яъни воқеаларнинг изчил тарзда баён қилинмаслиги Амир Темур ҳаёт йўлига хос характерли жиҳатларни бўрттириб тасвирлаш имконини берган. XX аср ўзбек тарихий-реалистик адабиётида Мақсуд Шайхзодадан бошланган қаҳрамоннинг марҳумлар руҳи билан учрашуви яъни хаёлий суҳбат усулидан фойдаланиш *«Улуғ салтанат»*да Соҳибқирон ҳаётининг муайян қиррасини очишда тасвир ёркинлигини таъминлашга хизмат қилган. Адибнинг бундай анъанавий тасвир усулларидан ижодий фойдаланиши туш мотивига мурожаат қилишда, параллелизмга

асосланган рамзийликни қўллашда, кўплаб адабий-бадиий, илмий-фалсафий, диний-илоҳий ва тарихий манбаларни истифода этишида кўринади. Демак, Муҳаммад Али замонавий романчилигимизга ҳамоҳанг тарзда қалам тебратмоқда.

Амир Темур характерининг моҳиятини ўз виждони ва эътиқодига гард юқтирмаслик, ҳамиша идеалларига содиқ бўлиш, адолат тантанасига ишонч, курашчанлик ташкил этади. Шунинг учун ҳам носир Соҳибқирон иродаю эътиқодини, гражданлик масъулияти туйғусининг баландлигини кенгроқ ифода этишга интилади. Адиб оддий ҳодисаларнинг поэтик жилваларини, ҳаёт завқини нозик ҳис этади. У шундай лавҳалар чизадики, китобхон инжа ҳиссиётлар оғушида энтикиб қолади. Ана шундай ўринларда носир инсон хилқати ҳаёти ва қалби нақадар мураккаб эканлигини санъаткорона бадиий тадқиқ этишга эришади.

Адиб ахлоқий-эстетик позицияси ғоятда равшан бўлгани боис, у қаҳрамон хатти-ҳаракатини синчковлик билан назорат қилиб боради. Ҳодисаларга жиддий поэтик муносабат билдирадики, бу ҳам бадиийликнинг муҳим шартларидан биридир. Аслида носир Шарқона гуманистик пафосни ўтказишга интилади. Ёзувчи аждодларимизнинг бизга ўрнак ва ибрат бўла оладиган ёрқин ва бетакрор образларини яратиш, яхши инсонларга хос олижаноблик, кураш ва жасоратнинг Шарқона манбаларини таҳлил этишга интилади. Романнинг инсоний меҳрга йўғрилганлиги ва инсон тақдирига астойдил куюнчаклик туйғуси билан суғорилганлиги боиси ҳам ана шундадир.

Демак, *«Улуғ салтанат»* анъанавий роман бўлса-да, Муҳаммад Али қаҳрамонлар талқинида анъана доирасидагина қолиб кетмаган.

## *ТАРИХИЙ ЖАРАЁН КОНЦЕПЦИЯСИ*

Эндиликда ўзбек романларини истиқлол мафкураси талаблари асосида миллий адабиётимиз анъаналари ва жаҳон романчилиги тажрибаларига таяниб кенг кўламда тадқиқ этиш имкони юзага келганлиги кишини қувонтиради. В.Г.Белинский

романни *«замонанинг эпопеяси»,* - деб баҳолаганида мазкур жанрнинг моҳиятан тарихийликка мойиллигини назарда тутган эди. Илло, романда яхлит тарзда шаклланган тугал ҳаёт ва шахс концепцияси – инсон ва инсоният тақдири ифодаланиши лозим.

Сўз юргизилаётган романни ёзишдан кўзланган мақсад фақатгина маънавий-ахлоқий масалалардан сўзлаш эмас. Балки шахс драмаси орқали замонни кўрсатишдир. Асарнинг ягона драматик асоси парокандаликка барҳам бериш ва кучли салтанатни мустаҳкамлашдан иборатлиги асарнинг номланишидаёқ ўз ифодасини топган. Романда муаллифни қарама-қарши кучлар орасидаги тўқнашув эмас, балки биринчи галда бош қаҳрамоннинг мураккаб вазиятлардаги руҳий ҳолати – қалб диалектикаси қизиқтиради. Шунинг учун ҳам Амир Темур қалбида ички кураш, тўқнашув, омонсиз жанг боради. Носир ички руҳий коллизия билан характерлар тўқнашувини ёнма-ён олиб боришга, руҳий коллизияни юзма-юз тўқнашувларда намоён қилишга интилади. Онгда кечаётган ўзгаришларни асослашга уринади. Ижтимоий ҳаётда ва айрим одамлар дилида мавжуд бадбинликка фидоийлик, олийжаноблик, масъулият бурчини теран ҳис этиш фазилатларини зид қўйиб тасвирлайди. Бошқачароқ айтганда, романда Амир Темур драмаси орқали ўша замон драмаси кўрсатилади.

Муаллиф Амир Темур даврининг бош концепцияси ва қонуниятини топа олган. Чингизхон авлодлари даврида пароканда бўлган мамлакатни ягона салтанатга бирлаштириш бевосита Соҳибқирон Амир Темур номи ва фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир. Яъни Амир Темур даври - мамлакат ва халқ ҳаётининг тарихий бурилиш даври. *«Улуг салтанат»* эндиликда олис тарихга айланган улуғ бурилишлар даврини эпик планда ифода этиб, тарихий жараён концепциясини акс эттирган асар. Бинобарин, халқимиз тўплаган тарихий тажрибаларни умумлаштириб, улардан ибратли сабоқлар чиқариш зарурияти туфайли миллий истиқлол йилларида тарихий романларга эътибор ҳар қачонгидан ортганлиги кузатилади.

Демак, *«Улуг салтанат»*да тарихий давр воқеаларининг кўлами эмас, балки ўша ҳодиса ва қаҳрамонлар ҳақидаги муаллиф фикрининг кўлами ҳамда салмоғи – концепция ҳал

қилувчи аҳамият касб этишининг сабаби ҳам ана шундадир. Зотан кўламдор теран мулоҳазалар романга эпиклик бағишлай олган. Адиб қаҳрамонларни турли ракурслардан ёритишга ҳаракат қилади. У Амир Темур табиатидаги инсоний хусусиятларнинг барчасини намоён бўлиш вазиятига кўра мукаммал кўрсатишга уринади. Муҳими шундаки, романда Соҳибқирон шахсий интим ҳаётдан маҳрум, нуқул юрт ва халқ тақдири учун фидокор шахс эмас. Унинг ҳам ўз дарди-дунёси, бой руҳий-ҳиссий олами, қувонч-изтироблари бор. Аслида, романда характерга инсоний жозиба бағишлаб, уни улуғворликнинг юксак поғонасига кўтарган жиҳат ҳам айнан ҳиссий олами ифодасида намоён бўлади.

*"Улуг салтанат"* романини тадқиқ қилиш жараёнида бизнинг фикри ожизимизча, етарлича маромига етмагандек туюлган ўринлар ҳам кузатилдики, қуйида билдириладиган айрим фикр-мулоҳазаларимиз романнинг кейинги китоблари ёзилишига ёхуд роман-тетралогияни яхлит ҳолда нашрга тайёрлаш асносида муаллифга ижодий кўмак бўлар деган эзгу ниятда уларни батафсил баён қилишга жазм этдик:

1. Адиб баъзан насиҳатбозлик – дидактик талқинларга ҳам йўл қўяди. Ваҳоланки, оғиркарвон жанр саналмиш роман мулоҳазакорликни, руҳий-психологик таҳлил ва тадқиқни хуш кўради.

2. Муаллифнинг замондошимиз кайфиятини романга сингдириш истаги баъзан ҳодисалар моҳияти таҳлилида характер мантиғидан кўра адиб фикр-ўйларига нисбатан кенгроқ эрк беришни келтириб чиқаради. Мазкур ўй-фикрларни образли мушоҳадалар самараси ўлароқ юзага келган, вазият-ҳолатларнинг тамомила янги қирраларини очиб, теран поэтик фикрни ифода этади, дейиш қийин. Чунки шундай ўринлар борки, адиб Соҳибқирон ҳаётини тарихий-адабий манбаларда мавжуд фикр-қарашларга иллюстрация қилиш билангина кифояланади. Назаримизда, кайфиятлар ифодасига эрк берилиши Муҳаммад Алининг табиатан шоирлиги, қаламини лирикада чархлаганлиги билан боғлиқдир.

3. Муҳаммад Али баъзан Амир Темур соҳибқирон шахсиятини у ёки бу қаҳрамоннинг хаёли, фикр-ўйлари, хотираси орқали шунчаки хабар тарзида ҳам ифода этади.

Бундай ҳоллар амалда характерни шунчаки бир шарпага айлантириб қўяди. Ана шундай ўринларда ҳам Амир Темур жонли одам сифатида бевосита ҳаракат жараёнида кўрсатилганида эди, характер янада мукаммаллашган бўларди. Албатта, йирик эпопеяларда персонажлар орқали берилган таърифлар ҳам муҳим қиммат касб этади. Зотан, хилма-хил табиатга эга бўлган бу персонажлар фикр-қарашлари, ўй-хаёллари ҳам соҳибқирон ирода ва матонатини орқаворотдан очишга хизмат қилади. Бироқ персонажлар таърифи яхлит конфликтнинг юзага чиқишига тўсқинлик қилишини ҳам унутмаслик лозим кўринади.

4. Кези келганда таъкидлаш жоизки, *«Улуғ салтанат»* сюжети қурилишида ўтмиш воқеаларини хотирада жонлантириш (эслаш) композицион усулига кенг мурожаат этилган бўлишига қарамасдан, у ҳамиша ҳам ижобий натижалар бермайди. Ёзувчи бутун роман давомида етакчи услубни қатъий тутиб туришдек бадиийлик қонуниятига етарлича амал қилмай, романнинг тасвир ритмига зиён етказади. Ваҳоланки, турли услубларга хос хусусиятлардан фойдаланиш, улар ўртасидаги нисбатни таъминлашни ҳам талаб этади.

5. Ҳар қандай роман, хусусан тарихий мавзуда битилган асарда ҳам характер бутун мураккаблиги билан кўрсатилиши лозим. Шунингдек, эпопеяда таҳлил жараёнида шахс табиатига хос турфа хислатлар илдизи психологик жиҳатдан чуқур асосланиши ҳам талаб этилади. Муайян қаҳрамонга характер мантиғи тақозо этган даражада бадиий юк юклансагина психоаналитик метод муваффақияти таъминланади. Муҳаммад Али барча ижобий хусусиятларни ягона қаҳрамонда жамлашга интилиш оқибатида унинг жонли қиёфасига бир қадар соя солиб қўяди. Баъзан эса қарама-қарши қутб вакилларини нуқул қора бўёқларда чизишга интилади.

6. Одатда буюк реалист ёзувчилар ўз позициясини образлар моҳияти ва воқеалар мағзига яшириш, сингдириб юбориш орқали бадиий асар муваффақиятини таъминлашади. *«Улуғ салтанат»*да ҳамиша ҳам бундай ҳол кузатилавермайди. Адиб етакчи қаҳрамоннинг ҳомийси ва китобхоннинг яқин кўмакчиси сифатида намоён бўлади. Қаҳрамонни ошкора ҳимоя қилиш ва матнни тушунишда китобхонга кўмаклашиш *биринчидан,*

образнинг ўз йўлида эркин ҳаракат қилишига ҳалал берса, *иккинчидан,* китобхонга тўла ишонмаслик, уни ўйлаш ва мулоҳаза қилишдан маҳрум этишини унутмаслик керак.

## *БАДИИЙ МАТН – МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТ ИФОДАСИ*

***(Хулоса ўрнида)***

Бадиий адабиётнинг бошқа жанрларини зинҳор камситмаган ҳолда, айтиш мумкинки, улкан ҳаётий тақдирларни ифодалаш, кенг ҳаётий полотнолар чизишда роман жанри беқиёс поэтик имкониятларга эга. Бинобарин, эпик тасвир кўламининг кенглиги жиҳатидан давр адабиётининг қиёфасини белгилашда роман салмоқли ўрин тутади. Бошқачароқ айтганда, роман халқимиз ҳаётининг муайян даврини таҳлил этиш, мураккаб характерлар, катта инсоний тақдирлар яратишга қодир бўлиб, жамият ҳаёти ва ижтимоий-эстетик фикрининг у ёки бу босқичини умумлаштириш, давр ва замон зиддиятлари, характерлар фожиасини тўла-тўкис акс эттира олиш имкониятига эга.

Бугунги кунда роман жанри тараққиётида чуқур ички силжишлар содир бўлмоқдаки, бу шаклий-услубий ва ифодавий изланишларда ёрқинроқ кузатилади. Шу маънода миллий истиқлол даври адабий ҳодисалари табиатини, хусусан романчилигимизда кечаётган янгиланишларни шу пайтгача бир қадар қатъийлашган тайёр назарий хулосаларгагина таяниб белгилаш мумкин бўлмай қолди. Чунки адабиётнинг илгариги босқичларида ижтимоий долзарб муаммоларни кўтариб чиқишнинг ўзи муҳим саналарди. Эндиликда эса, давр мафкураси учунгина долзарб бўлган муаммоларни қаламга олиш ёзувчидан қатъий талаб қилинмаётгани боис, оддий ҳаётий ҳодисалар ҳақидаги фикрнинг салмоғи, инсоний туйғулар ифодасининг даражасига эътибор ортди. Ижодкор ўзининг қалб олами, сезимлар дунёсини манзаралантириш имконига эга бўлди. Бу эса ижодкорлик бурчидан туғилган, маънавий зарурият сифатида кўнгилда - қалбнинг теран

пучмоқларида яширин беором туйғулар мавжининг тошишига, дард-изтиробларнинг гўзал ифодаларга дўнишига, турфа кечинмалар қоришиқлигини тасвирлашга олиб келди. Носирга тинчлик бермаётган туйғу-кечинмалар тасвири китобхон қалбига ҳам бегона эмаслигининг боиси уларнинг теран самимиятга йўғрилганлигидадир.

Романчилигимизнинг трафарет қаҳрамонлар, сунъий конфликтлардан инсон ва унинг табиатига хос хусусиятлар ифодасига томон юз буриши ҳаёл парвозларининг бениҳоя учқур бўлишига ҳам кенг йўл очди. Натижада сиртдан қараганда ғоятда жўн туюлувчи оддийлигу одамийликка хос улуғворликни кўрсатишга интилиш кучайди. Яқин ўтмиш романчилигимизда қаҳрамоларнинг «ижобий» ёки «салбий» бўлиши, бирининг фаоллигию иккинчисининг енгилиши универсал усул саналарди. Эндиликда бунинг ўрнини оилавий-маиший ва ҳатто интим ҳаётга хос инсоний ҳақиқат лавҳалари, *«мен»*нинг ички кураш ва зиддиятлари, қувонч-изтиробларига хос ҳаяжонли ифода тобора кўпроқ эгалламоқда.

Бошқачароқ айтганда, миллий истиқлол даври ўзбек романчилигида қаҳрамон драматик ҳолатининг миқёси ва адади бевосита тўқнашувлар орқали эмас, балки ички коллизиялар ҳисобига очилишининг ошганлиги кузатилади. Романчилигимизда инсон дилидаги тўфонлар, кечинма ва туғёнларга эътибор ҳар қачонгидан ҳам ортгани ифодада ички драматизмни кучайтирди. Севги ва қувонч изтироблари қаҳрамон қалбида туғдирган беназир туйғуларга хос самимият, оталик ғурури, фарзандлик бурчи, Ватан тақдирига куюнчаклик, хиёнат ва алдов қаршисидаги ожизлик сингари турфа ҳолат-лавҳалар бугунги китобхон қалбини ларзага сола олади.

Адабий қаҳрамоннинг иймон ва виждон азобидаги ўртанишлари қалб драматизмига хос шиддаткорликни юзага чиқарар экан, ифода талқинидаги оригиналликни таъминлаган омил ҳам ҳаётни теран ҳис ва идрок этишдан бўлак нарса эмаслиги аён бўлади. Қаҳрамонни муаллиф истаги бўйича ҳаракат қилдирмаслик ёхуд давр мафкураси талабигагина мувофиқлаштирмаслик бугунги етук асарларда аниқ вазиятҳолатларни психологик жиҳатдан асослаш, ҳаётий далиллаш, турли уйдирмалардан асраниш орқали таъминланмоқда. Зеро

инсоний муносабатларнинг ғоятда мураккаб диалектикасини, одамлар тақдирини қаҳрамон қалбига қулоқ тутиш орқали очиш пировардида жонли ҳаётга яқинлашмоқдир. Демак, эндиликда характерлар моҳияти мураккаблигининг руҳий-психологик ва мантиқий асосланиши кўпинча ҳиссий идрок орқали англанади.

ХХ аср адабиётининг илгариги босқичларида ҳеч қачон хусусий муаммолар роман асосига бугунгидек тарзда қўйилган эмас. Чунки собиқ тоталитар мафкура яккаҳокимлиги даврида бадиий адабиётда ижтимоий ғоя ифодаси устивор саналарди. Шу боис ҳам хусусий масалаларга бўлган эътибор жанр салмоғини сунъий тарзда енгиллаштириш деб баҳоланарди. Бадиий адабиётнинг амалий тажрибаларини кузатиш шуни кўрсатадики, умуминсонийлик ифодасига бўлган йўл хусусийликнинг юксак талқинлари, романий тафаккурнинг жаҳонийлиги орқали ўтади. Зеро ҳар қандай фикр-мулоҳаза предметлашганида, теран туйғуларга йўғрилганидагина романга залвор ва салобат, поэтик жилва бағишлай олади.

Бугунги ўзбек романнавислари тарихимизнинг улуғвор сиймолари ёхуд замондошимизнинг оддий турмуши ва тақдирини қаламга олишларидан қатъий назар, тасвирланаётган ҳодисанинг фавқулоддалик, характерлилик табиатидан кўра, инсонийлик хусусиятига кўпроқ диққат қаратиш орқали ижтимоий моҳият излашмоқда. Бу ҳол бир қарашда ғоятда жўн ва ҳатто ҳамиша диққатни жалб қилавермайдиган одамларга эътиборнинг ортишига олиб келди. Муҳими, ана шу одамларнинг оддийлиги билан фавқулодда, жўнлиги билан улуғворлиги кашф этилмоқда. Ўзбек романчилигида яратилаётган давр типлари романнависларимиз қаҳрамонни инсоний моҳиятда идрок ва ифода этаётганликларини кўрсатади.

Ўзбек шўро адабиётида илғор жаҳон адабиётига хос бадиий ижоднинг ана шу муқаддас қонунияти ижтимоийлик соясида қолиб келган эди. Миллий истиқлол берган улуғ неъматлардан бири ҳам адабий қаҳрамонни давр ғояларининг шунчаки иллюстрацияси бўлишдан халос этганлигида кўринади. Яратилаётган романларнинг қаҳрамонлари эндиликда мураккаб инсоний тақдир эгаси. Бинобарин, унинг ўз умр фалсафаси, маънавий-руҳий дунёси, қалб кечинмаларига хос талайгин кашф

этилмаган жилвалари мавжуд. Айнан ана шу жиҳатни инкишоф этиш ўзбек романнавислари кўнглидаги эзгу ниятга айланган ва бу ўзининг илк натижаларини бераётган экан, воқеликка бадиий-фалсафий муносабат билдириш, эстетик баҳолашда тамомила янги меъзон (критерий)лар шаклланди, - дея оламиз. Шубҳасиз, мазкур меъзонлар бирданига юксак даражаларга кўтарилиши маҳол. Аммо бу ҳол ҳеч кимга романчилигимизда кечаётган жараёнларга эстетик қиймат беришда яхши аломатларни кўрмаслик, тадқиқотчига хос холисликдан чекиниш ҳуқуқини бермайди.

Инсон мукраккаб Яратиқ. Азалий чархнинг изми ва тақдир етовидаги ожиз бир Банда. Уни тасвирлаётган ҳар бир қалам соҳибининг талқини, масалалар моҳиятига ёндошуви, ифода йўсини, образларни индивидуаллиштириш тарзи ўзига хосдир. Муҳими, романнависнинг мураккаб ҳаётий вазиятлардаги қаҳрамон қалб бисотини нурлантириш, руҳий ҳолатларидаги силжишларни коинот кенгликларида ифода эта олиш салоҳиятини кўра билишдадир. Агар одам боласининг қалби тубидаги улкан куч ҳаракатга келтирилса, бу қўзғолиш туфайли рухсорини кўрсатган дил бисоти китобхонни ларзага солмоғи тайин. Ҳатто ҳеч қандай ошкора ташвиқий курашчанлик, мардлик ва қаҳрамонлик бўлмаса-да, ички ироданинг метиндай бутунлиги, ҳалоллик, софлик, оддийлик сифатлари қаҳрамонни яшовчан қила олишга қодирдир.

Ёзувчининг маҳорати бир қарашда ғоятда силлиқдай кўринган оддий инсон ҳаётининг мураккаб ички қатламларига китобхона олиб кира билиш, одамийлик бурчини адо этмоқлик ҳам чакана юмуш эмаслигини англатиш, унинг бошидаги савдолар даҳшатини ҳис қилдира билишда намоён бўлади. Муайян романдан кўзланган мақсад ҳам муаллифнинг китобхонни ҳаёт ва инсон тақдири ҳақида ўйлашга ундай олиши, оддий ҳодисаларнинг фавқулодда жиҳатларини эстетик идрок қилишга даъват этиши орқали муваффақиятли уддаланади. Зеро, бадиий матн маънавий маданиятимизнинг моддийлаштирилган ифодаси бўлиб, унда субъектив маънолар объективлашади. Ўша маъноларни предметлаштириш орқали қаҳрамонлар овозини эшитиш, тасвирланган замонлар ва

маданиятлар «руҳи»га кириб бориш ижтимоий-гуманитар билимнинг муҳим метологик муаммосидир.

Бадиий матнни тушунмоқ муаллиф ҳақиқати ёки талқин қилувчининг унга жойлаган маъноларидангина иборат эмас. Ҳар қандай ҳолатда ҳам тадқиқотчининг матнни тушуниши кўплаб талқинларнинг биридир. Муҳими, тушунишнинг нисбатан аниқроқ бўлиши ва бадиий матнга фаол ижодий муносабат орқали уни янада тўлдиришга қаратилишидадир. Шунга қарамасдан, бадиий матнни тушунмоқ ва талқин қилмоқ соф психологик ва субъектив жараёнгина бўлмай, тарихан шартланганлик хусусиятига эгадир. Потенциал тарзда мавжуд бўлган тагмаъно қулай шароит туғилгандагина ўзини намоён этади. Боз устига ҳар бир давр одами бадиий матнни ўзича кашф этар экан, эски маънони инкор қилади. Бинобарин, шахс ва маданиятларнинг ўзига хос диалоги бўлган бадиий матнни тушунмоқ диалектик жараён бўлиб, унда ифодаланган ҳамда кашф этилаётган маъноларнинг тўқнашуви орқали ўзлаштириш жараёни кечади. Натижада замонамизнинг долзарб масалалари ечимини топиш имкони юзага чиқади. Инсонга хос маъно ва мазмунлар дунёси муҳим қадрият сифатида ўзлаштирилса, ҳаётимизга тадбиқ этилсагина амалий манфаат етказади.

Шу маънода Муҳаммад Али истеъдоди ижтимоий салмоқдор асарлар яратишга йўналтирилганлиги билан ўзига хослик касб этади. *"Улуғ салтанат"* романи мисолида маъно ва мазмунлар олами, ифода кўламини муҳим қадрият сифатида англашга интилганимиздай, адиб ижоди миллатдошларимиз руҳияти, туйғулар оламига, тафаккур тарзига сезиларли таъсир эта олади. Дарҳақиқат, профессор Қозоқбой Йўлдошев таъбири билан айтганда: *"Бугунни кеча орқали кўра оладиган, аждодларимизнинг ёвқур, мардона ва танти руҳий оламини, маънавий дунёсини кўрсатишга ҳаракат қиладиган Муҳаммад Алининг ижоди Ватан ишқидан туғилган, Ватан руҳига йўғрилган ва бошдан оёқ ватансеварлик туйғуси қирраларини куйлашга бағишлангандир."* Бинобарин, адибнинг олтмиш беш йиллик умри салмоғини ижодий юкининг улкан залвори билан ҳам белгилаш мумкин.

# МУНДАРИЖА

*Муаллифдан*.....5
*" Тарих тилга киради бир кун ! "* .....6
*Ёзувчи тафаккур мантиғи тасдиқлаган бадиий ҳақиқатлар*.....11
*Адиб ижодий кредоси* .....21
*Жамият ва инсон концепциясининг асослари* .....34
*Интеллектуал қаҳрамон яратиш йўлида*.....40
*Лиро-романтик услуб жилоси*
*А) Яхлит адабий жараён контекстида англашилувчи ҳақиқат* ..... 42
*Б) Ижод типи ва тасвир услуби* ..... 47
*В Ифоданинг рангин жилолари*.....51
*Г) Тасвир усулларининг диалектик муносабати* ..... 61
*Д) Улуғворликнинг тарихий табиати ва ижтимоий шартланганлик моҳияти*.....64
*Д) Макон ва замонни топологик мазмунда англаш*.....66
*Поэтик ғоя ифодаси ва пафос*.....67
*Тарихий жараён концепцияси*.....70
*Бадиий матн – маънавият ифодаси (Хулоса ўрнида)*.....74
*Мундарижа*.....79

Ўзбекистон республикаси Давлат солиқ қўмитаси Солиқ академияси илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

Муҳаррир: М.Содиқов
Саҳифаловчи: Т.Матёқубова

Нашриёт рақами: М-748. Босишга рухсат этилди: 29.08.07. Қоғоз бичими 60x84 $^{1}/_{6}$ . Офсет босма. Офсет қоғоз. Ҳисоб нашриёт табоги 5,0. Бюртма № 96 . 500 нусхада. Келишилган нархда.

«Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi»da chop etildi.
700003, Toshkent sh., Olmazor ko'chasi, 171-uy.

ISBN 978-9943-09-385-0